

# ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

*(Ҳаёти ва ижоди)*

МАҚТАБ ҚЎРГАЗМАСИ ВА БОЛАЛАР  
КУТУБХОНАСИ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

*(альбом)*

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1995

Ношир: **САИДБЕК ҲАСАНОВ**

Махсус муҳаррир: **МАРДОНҚУЛ ТУРСУНПУЛАТОВ**

Ушбу қўлланма ўрта мактаб ўқитувчилари, олий ўқув юртларининг филология куллийётлари талабалари, кутубхона ходимлари, шунингдек, шоирнинг ҳаёти ва ижоди билан қизиқувчи кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг дарсликларни қайта кўриш махсус комиссияси маъқуллаган.

4306010300—83  
X  $\frac{\quad}{353(04)—95}$  159—92

ISBN — 5—645—01619 — X

© «Ўқитувчи» иаириёти, 1995

## УЛУҒ СИЙМО ҲАЕТИ

Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг сермазмун ва баракали ижоди билан жаҳон маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган буюк сиймолардан биридир.

Маълумки, Марказий Осиё халқларининг тарихида темурийлар даври маданияти алоҳида ажралиб туради. Темурийлар даврида фан ва инсон маданиятининг турли жабҳалари юксак поғонага кўтарилган бўлиб, айнан шу давр тарихи саҳифаларида Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий каби ҳақиқий илм даҳолари, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий сингари шухрати жаҳонга таралган тарихчилар, Абдурахмон Жомий, Лутфий, Саккокий, Атоий, Алишер Навоийдек улуғ шоирлар, Бехзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Султонали Машҳадий, Султон Муҳаммад Хандон, Дарвиш Муҳаммад Токий каби юзлаб буюк мўйқалам соҳиблари ва китобот санъатининг беназир устозлари етишиб, серунум ижод этишган.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг серташвиш ҳаёти ва жўшқин фаолияти ана шу сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан инкирозга учраб, таназзулга тушаётган темурийлар салтанатининг сўнгги даврига тўғри келган эди.

Бобур 1483 йил 14 февраль куни Фарғона вилоятининг пойтахти Андижонда тугилди<sup>1</sup>.

Унинг отаси Умаршайх мирзо Темурнинг набираси Султон Абусаид мирзонинг тўнғич ўғли бўлиб, Фарғона вилоятининг ҳокими бўлган. Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг кизи эди. Умаршайхнинг уч ўғли ва беш кизи бўлиб, ўғиллар орасида Бобур энг каттаси эди. Бобурнинг ёшлиги, асосан, Ахсикант ва Андижонда ўтади.

Бобур ёшлигида устози Хожа Мавлоно Қози қўлида таълим олиб, тарих, ҳарб иши, мусика ва адабиётга жуда кизиқади.

<sup>1</sup> Фарғона водийсининг қадимги пойтахти. Илгари Ахсикант номи билан машҳур бўлган. Ҳозир унинг харобалари Ахсикант номи билан юритилади. У ҳозирги Наманган вилояти, Наманган ноҳияси, Шаҳанд кишлоқ ҳудудида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган.

1495 йилда Бобурнинг отаси Аҳси қўргонидаги каптархонадан жарга йиқилиб вафот этади. 12 яшар Бобур Фарғона ҳокимиятини бошқара бошлайди. Бу вақтда темурийлар салтанатининг аксарият қисми Шайбонийхон тасарруфига ўтган эди. Бобур ўз олдида энг муҳим сиёсий мақсадлардан бири қилиб Мовароуннаҳр феодал ҳокимларининг ўзаро курашлари натижасида парчаланиб кетган давлатни қайта тиклаш вазифасини қўяди.

Шу мақсадда 1495—1496 йилларда Бобур Самарқандни ишғол қилади. Шу аснода Бобурнинг укаси Жаҳонгир Мирзо ва тоғаси Али Дўст фитна уюштириб, Андижонни ўз қўлларига оладилар. Бобур Самарқандни ташлаб Андижон томонга юришга мажбур бўлади, аммо ота вилоятини фақат икки йиллик сарсон-саргардонликлардан сўнггина қайтариб олишга муваффақ бўлади.

1499—1500 йилларда Бобур Самарқандга қараб қайта юриш қилади, лекин шайбонийлар билан бўлган жангларда Бобур мағлубиятга учраб, Тошкентга чекинишга мажбур бўлади. 1502—1503 йиллар Бобур Юнусхон ёрдамида Андижонга яна бир бор юриш қилади. Бу юриш натижа бермагач, Хўросон томонга кетади.

Бобур 1503—1504 йиллар Кобул ва Ғазна вилоятларини қўлга киритиб, у ерда ўз ҳокимиятини ўрнатади. Эрон шоҳи Исмоил Сафавий ёрдамида Самарқандни қайта қўлга киритиш учун юриш муваффақиятсиз чиккач, Бобур 1519 йилдан бошлаб Ҳиндистонни забот этишга киришади. Ниҳоят, 1526 йилнинг баҳорида Ҳиндистон подшоҳи Султон Иброҳим Лудий устидан галаба қозониб, Ҳиндистонда бобурийлар сулоласига асос солади.

Бобур 1530 йилнинг 26 декабрида вафот этади. Дастлаб унинг жасади Жамна дарёсининг чап соҳилидаги Нурафшон богининг марказий қисмига дафн этилади. 1533 йилда унинг хоки, васиятига биноан, Кобулга, «Боғи Бобур»га кўчирилади. Кобул ҳақида сўз борар экан, Бобур макбараси шаҳарнинг энг асосий ёдгорликларидан бири сифатида тилга олинади.

Захириддин Муҳаммад Бобур вафотидан сўнг Ҳиндистонни унинг тўнғич ўғли Ҳумоюн Мирзо (1531—1556), сўнгра Ҳумоюннинг ўғли шоҳ Акбар (1556—1605) бошқаради. Акбар даврида Ҳиндистон иқтисодий ва маданий жиҳатдан энг юксак даражада ривожланган мамлакатга айланади.

Акбар даври Ҳинд тарихининг энг гуллаган ва халқлар биродарлигининг тимсоли даражасига кўтарилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Акбардан кейин мамлакатни Жаҳонгир Мирзо (1605—1687), ундан сўнг унинг ўғли Шох Жаҳон (1628—1658) идора этиб, улар ота ва боболари Шох Акбарнинг муқаддас ишларини давом эттирадilar. Бу давр Ҳиндистонда илм-фан, маданият, айниқса, ўлмас архитектура обидаларининг бунёд этилиши билан характерлидир. Аврангзеб (1659—1707) тахтга ўтиргач, мамлакат зулмат ва низолар дашномига чўмади. Ғайридинлар киргин қилинади, таъқиб ва адолатсизлик ҳукм суради. Аврангзебдан сўнг бобурийлар салтанати XIX асрнинг ўрталарига келиб секин-аста инкирозга учрай бошлайди. Нихоят, Ҳиндистонни англизлар босиб олгач, бобурийлар ҳукмронлиги расман тугатилади. Бобурийларнинг Ҳиндистондаги энг сўнгги ҳокими Баҳодуршоҳ II нинг (1837—1858) англизлар вассаллигига айланганлиги ҳақида тарихда шундай деб ёздилар:

«Масалан, Темурлангнинг авлодларидан буюк мўғулни олиб қарайлик. Унга I йилга 120.000 фунт стерлинг маош белгиланган эди. Унинг ҳукми ўз саройидан нарига ўтмайди. Саройдагилар эса, ҳар қайсиси ўз-ўзлари билан бўлиб, шох наслиданликлари билан телбаланиб, куёнлардек кўпаядилар. Инглизлар, ҳатто Дехлидаги полицияни ҳам ўз қўлларига олиб, назоратдан четлатишди. Ўз тахтида қартайган сарик чол ўтирарди. У театр либосидаги ҳинд ўйинчиларини эслатувчи зарбоф кийим кийиб, мамлакат учун тантанали бўлган кунлар зарга ўралган кўғирчоқдай ўзининг фуқароларини сарафроз қилгали чиқади. Унинг қабулига кирмоқчи бўлган чет элликлар эса, гўё оммавий кизикарли ўйинларга келганда бир неча чақа тўлаганларидагидай пул ташлаб, унинг қабулига қирадилар, у эса, ўз навбатида, меҳмонларга салла, олмос ва бошқа нарсаларни ҳадя қилади. Шохнинг бу олмослари, диққат билан қаралганда, пала-партиш бўялган қалбаки ва яхши ишлов берилмаган оддий шишалар бўлиб чиқади. Улар занжабил мойи кўшиб тайёрланган ширинлик каби қўлда сочилиб кетади».

Шундай қилиб, бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда уч аср ҳукмронлик қилди. Бу сулоланинг Ҳиндистонда ривож топиб, гуллаб-яшнашига Заҳириддин Муҳаммад Бобур сабабчи бўлган бўлса, унинг емирилиб инкирозга тушишига Аврангзеб сабабчи бўлди.

Заҳириддин Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганар эканмиз, албатта унинг буюк шох, ҳоким синфга мансублиги ва шу синф манфаатларини ҳимоя қилганлигини доимо эсда тутишимиз лозим. Лекин Бобурдаги табиий истеъдод унинг ҳар томонлама ривожланган ва қомусий билимларни ўзида мужассамлантирган шахсияти, ақл-заковоти, инсоний ҳислатлари ва қолаверса, унинг очик кўнгиллилиги, нозик табиатлилиги бизни доимо ҳайратга солиб келади.

Бобурнинг асосий мақсадларидан бири ягона марказлашган давлат барпо этиш, мамлакатни обод этиб, эзгу ниятларини амалга ошириш эди. Бобурнинг бу мақсадлари Ҳиндистонда амалга ошди. Уч асрдан ортиқ давом этган ва Ҳиндистон тарихида муҳим роль ўйнаган марказлашган

давлатнинг вужудга келиши, албатта, Бобур номи билан чамбарчас боғлиқдир. Ўз вақтида Жавоҳарлал Неру Бобур шахсияти ҳақида шундай илиқ сўзларни айтган эди:

«Бобур энг донишманд ва дилбар шахслардан бири эди. Унда мазҳабий таассубдан, қолоқлик ва қиска фикрликдан асар ҳам йўқ эди. У бошқа ҳокимлар каби вайрон қилиш, ҳароб қилиш йўлидан бормади. Бобур санъат ва адабиётни қўллаб-қувватлаган кишилардандир».

Буюк ҳинд давлат арбобининг бундай ҳароратли сўзлари Ҳиндистондаги Бобур ва унинг авлодлари фаолиятига берилган ҳаққоний баҳо бўлиши билан бирга, бобурийларнинг мамлакат тарихида тутган ўрни ва ролини ҳам ҳолисона белгилаб беради.

\* \* \*

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

Бобур ўзининг қиска, лекин мазмунли ҳаёти мобайнида қатор шеърӣ тўпламлар тузди, жаҳонга шухрати кетган «Бобурнома» асарини ёзди. «Хатти Бобурий» деб номланган янги алифбони тузди, аруз, қофия, мусика ва ҳарб ишига оид рисолалари билан илмга маълум ҳисса қўшди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур XVI аср ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакилларида биридир. У Низомий, Ҳусрав Дехлавӣ, Лутфӣ, Навоӣ анъаналарини давом эттирган санъатқордир. Бобур асарлари ўзининг жозибадорлиги, чуқур мазмундорлиги ва бадий равонлиги билан ажралиб туради. У ўзининг мураккаб ҳаёт йўли, зиддиятли дунёқараши ва шунинг билан бир қаторда, бой адабий-илмӣ мероси билан ўзбек адабиёти тарихида муносиб ўринни эгаллайди.

Бобур ўзбек адабиётида лирик жанрларнинг ривожига катта ҳисса қўшди. Унинг лирик мероси ҳажман унча кўп бўлмаса-да, мавзу доираси, шаклий тақомили, бадий томондан ғоят гўзал ва мукамаллиги билан ҳам ажралиб туради.

Бобур лирикасини ғазал, рубоӣ, китъа, туюқ, маснавӣ, фард ва муаммолар ташкил этади.

Бобур шеърятининг муҳим томонларидан бири, шоир шеърларининг тарихӣ воқеа ва ҳодисалар билан чамбарчас боғланиши ва ўша давр воқелигининг содда ва равон ифодаланишидир.

Шоир лирикасининг марказида муҳаббат мавзуси, инсоннинг пок севгисини улуғлаш, ҳижрон аламларидан шикоят, висол орзуси, вафодорлик туйғулари ётади.

Ҳажринг ғамидан оқибат ўлғум қаро кўз.

Юз гуссау андух ила борғум қаро кўз.

Васлинг била қилмадинг иложин Бобур.

Мушкили фироқингда тирилғум қаро кўз.

Бобур лирикасида ёр образини яратишда классик поэзия услубига ҳос бўлган муболагадан ҳам кенг фойдаланилади. Шоир ёр висолига эришишда ҳар қандай кийинчиликларга бардош беражагини таъкидлайди. У ёрсиз, севиклисиз ҳаётни тасаввур қилолмайди, севи-муҳаббат йўлида ўзини, бутун борлигини қурбон қилишга ҳам тайёрлигини самимият билан ифода этади:

Ой юзунг йўқда каро кун бўлсун,  
Бру кўк остину устун бўлсун.

Бобур ўз давридаги жамият иллатларига дадиллик билан қарши чиқди. Уларнинг кирди-корларини фош қилди. Шоир шеърларида ҳаётни тор маънода тушуновчи дин пешволари, мутаассиб шайх ва зоҳидлар қаттиқ танқид остига олинади. Шоирнинг ўткир қалами уларнинг ўринсиз таъна ва даъволарига қарши қаратилади:

Агар муслихмен, ар муфсид, вагар ошникмен, ар обид,  
Не ишинг бор сенинг зоҳид, менинг не ихтиёрим бор.

Шоир ёр ҳажрида жаннат ҳаловатлари, ҳуру раъноларидан ҳам воз кечади. У дўзах ўтини ҳажр ўти олдидан учкунча ҳам деб билмайди. Чунончи:

Зоҳидо дўзах ўтидин мени не кўркутасен,  
Ҳажр ўти қошинда кўрмасмен ани учкунча.

Бобур поэзиясида ҳижрондан шикоят, она юртга бўлган муҳаббат, Ватанни қўмсаш оҳанглари катта ўрин эгаллайди. У гурбат, ҳижрон билан боғлиқ бўлган воқеий кечинмаларни қатор рубоий ва мактубларида ҳам қалб садолари орқали ифода этади:

Ҳижрон кафасида жон қуши дам қиладур,  
Гурбат бу азиз умри кам қиладур.  
Не навъ битай фироқи гурбат шарҳин,  
Қим қўз ёши номанинг юзин нам қиладур.

Бобур шеърлари содда ва равон, айниқса, унинг ҳаётдаги воқеий деталлардан маҳорат билан фойдаланиши лирикасига ўзига хослик бахш этади:

Олида гўйин кўрунг, илгида чавгонин кўрунг,  
Юзида зулфи билан гўйи занахдонин кўрунг.

Секритиб елгурганида тавсанига кўз солинг,  
Яйқалиб йўл юруса сарви хиромонин кўрунг.

Ул парий майдон аро жавлонда юз минг ноз ила,  
Орқасинда юз манингдек зору ҳайронин кўрунг.

Бобур ахлоқ-тарбия масаласига ҳам алоҳида эътибор берган:

Хулқунгни рост қилгил ҳар саригаки борсанг,  
Аҳсанта дер бори эл гар яхши от чиқорсанг.

Инсоний ҳис-туйғулар шоир томонидан юсак санъат ва маҳорат билан ифода этилган. Бобур ҳақиқий инсон номига эга бўлиш учун ахлоқнинг барча нормаларига риоя қилиш кераклигини ва шундагина киши эл ҳурматига ва катта бахтга сазовор бўлишини уқтиради.

Шоир ижодида ҳақиқий инсон юқори поғонада туради, улугланади. Бобур инсон кадр-қимматини юқори тутиш, амал, давлатга эришиб гурурланмаслик, камтарин бўлиш каби инсоний фазилатларнинг камол топишига ундайди. У халқ манфаатларини доимо диққат-марказда тутиш кераклигини таъкидлайди:

Давлатқа етиб меҳнат элин унутма,  
Бу беш кун учун ўзунгни асру тутма,  
Борғонин кел эмди, ёд қилмай, эй дўст,  
Бориш-қелишингни лутф этиб ўқсутма.

Бобур ахлоқ-тарбия мавзусидаги бошқа асарларида ўз ҳаётида учраган ҳодисалар, бошидан ўтказган кечинмалар асосида ибратли хулосалар чиқаради. Булар ўқувчи учун ҳам катта тарбиявий аҳамият касб этади:

Эшитса киши бу шўру шеван не дегай,  
Донм бу тарик ичгуни кўрган не дегай.  
Душман сузига қирма, эшит дўст сўзин,  
Эшитмаса сўзни дўст, душман не дегай.

Бобур ўзининг:

Масту беҳудлук била умрингни ўтқардинг дариг,  
Эй кўнгул, мундин бери бўл бир нима хушёррок.

каби шеърый мисраларида Навоий анъаналарини давом эттиради. Унинг ғазал, рубоий, китъа ва бошқа ранг-баранг жанрдаги шеърлари шоирнинг ижодида хос бўлган ишқ, ёрни улуглаш, ватанга муҳаббат, дўстлик, биродарлик, инсонпарварлик, маърифатпарварлик гоялари билан сугорилган.

Лекин Бобур ана шу бой шеърый меросни тартибга солиб анъанавий девон шаклига келтиришга, лаввоҳ, музаҳҳиб ва рассомлар кўлидан ўтказиб безатишга улгуролмаган. Шоир бу ҳақда рубоийларидан бирида шундай деб ёзади:

Девонима не рабту не тартибедур,  
Не жадвалу, не лаввоҳу, не тазҳибедур,  
Қи сенга йибордим, ани айб айламаким,  
Девонингни тиларга тақриредур.

Ҳозирги даврда Бобур шеърлари жаҳон ҳазиналаридаги мавжуд кўлёмалар асосида бир ерга жамъ қилинди ва тартибга солинди. Унинг шеърлари ҳам бошқа асарлари катори, минглаб нафис нусхаларда қайта-қайта нашр этилиб, кенг китобхонлар оммасини хушнуд этиб келмоқда.

Ўқувчиларни шоирнинг шеърый асарлари билан таништирар эканмиз, кўз олдимизда Бобур бадий ижоднинг хилма-хил ва бой имкониятларидан муваффақиятли фойдаланиб келган ва юсак баркамолликка эришган истеъдодли ва улкан санъаткор сифатида яққол гавдаланади.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### НАСРИМИЗНИНГ ДУРРИ ЯТИМИ

«Бобурнома» Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг номини бутун жаҳонга танитган қомусий шох асардир. У нафақат ўзбек адабиётида, балки жаҳон адабиёти тарихида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. «Бобурнома» тарихий бадий асар сифатида туркий халқлар насрининг ёрқин илк намуналаридан бири сифатида ҳам катта аҳамият касб этади. Бу асар нодир тарихий манба бўлиши билан бирга, илм-фаннинг турли соҳаларини қамраб олувчи қомусий китоб ҳамдир. Унда Бобур яшаб ижод қилган даврнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти бадий шаклда ўзининг ёрқин ифодасини топган; воқеалар қизиқарли, равон ва содда тилда баён қилинган. «Бобурнома» ёзувчи хотиротлари, эсдаликларидан ташкил топган. Шу сабабдан унинг асл номини муаллифнинг ўзи «Вақоийнома», яъни «Воқеалар кундалиги» деб атагани бежиз эмас. Чунки бу воқеаларнинг асосий иштирокчиси ва бош қаҳра-

мони Бобурнинг ўзидир. Ёзувчининг ўзи ҳам бу ҳақда шундай деб ёзади:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,  
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.  
Хар ким бу «Вақоийи»ни ўқур, билгайким,  
Не ранжу меҳнату не ғамлар кўрдум.

Бу асар бошқа манбаларда «Воқеоти Бобурий», «Тузуки Бобурий», «Таворихи Бобурий», «Бобурия» каби номлар билан ҳам юритилади. Кейинчалик эса уни «Бобурнома» дейиш расм бўлиб қолган.

«Бобурнома»нинг яратилиш тарихи ҳақида олимлар турли фикрларни айтишади. Китобни бир қарра варақлаб чиққан ўқувчи бўлажак айрим воқеа ва ҳодисаларнинг олдиндан баён этилганлигининг гувоҳи бўлади. Бу эса, асар Бобур ҳаётининг сўнгги йилларида ёзилганлигидан далолат беради. Олимларнинг аксарият қисми «Бобурнома» ёзувчи ҳаётининг охириги йилларида, аниқроғи, 1525—1530 йилларда ёзилган, деган фикрни қўллаб-қувватлайдилар. Асарда 1494—1530 йилларда Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистонда бўй берган тарихий воқеалар Бобур ҳаёти билан чамбарчас боғланган ҳолда баён этилади. «Бобурнома» 12 яшар Бобурнинг отаси Умаршайхнинг вафотидан сўнг Фарғона вилоятига подшо бўлганидан бошланиб, то умрининг охиригача бўй берган воқеа ва ҳодисаларни ўз ичига қамраб олган. Афсуски, бу асар қўлёзмаларининг бизгача етиб келган нусхаларида Бобур хотираларининг 1509—1518, 1521—1524, 1529—1530 йиллар воқеалари йўқолган. Лекин шунга қарамай, Бобур кундаликлари ўзининг тузилиши ва гоёвий йўналиши нуқтаи назаридан бир бутун асарлигича сақланиб қолган. «Бобурнома», асосан, уч қисмга бўлинган. Биринчи қисмда Бобурнинг Мовароуннаҳрдаги подшолиги билан боғлиқ воқеалар, она замин табиати ва унинг неъматлари, отаси Умаршайхнинг насл-насаби, оилавий ҳаёти, юриш-туришлари, саройдаги мансабдор тарихий шахслар ва уларнинг ўрни ва фаолияти, хусусан, илм-фан, санъат ва адабиёт намояндалари ҳақида қимматли маълумотлар баён қилинади. Бу даврда Бобур Самарқандни давлатнинг маркази қилинган ҳаракат қилади, шу мақсадда бир неча бор уни ишғол ҳам қилади. Лекин унинг мақсад ва ҳаракатлари турли сабабларга кўра амалга ошмайди ва ниҳоят Бобур бошқа юртга қараб юзланишга мажбур бўлади. «Бобурнома»нинг Мовароуннаҳр даври тавсифида турли тоифадаги, табақадаги кишиларнинг ҳаёти, шахар ва қишлоқларнинг манзараси, наботот ва ҳайвонот олами, об-ҳавоси, аҳолиси ва уларнинг этногенези, тили ва урф-одатлари ҳаётини ва содда қилиб тасвирланадики, натижада ўқувчи Бобурнинг донишмандлигига қойил қолади. Муҳими, Бобур ҳақиқатни гапирганида ҳеч кимни аямайди. Хар қандай воқеа юз бермасин, хар қанча улуг мартабали ёки мансабдор шахс ҳақида гап бормасин, у воқеа ва ҳодисаларга, кишиларнинг юриш-туришларига, уларнинг инсоний хислатларига ҳаққоний баҳо беради. «Бобурнома»да ёзувчи Фарғона, Андижон, Самарқанд, Тошкент вилоятларидаги шаҳарларнинг тарихи, улар атрофидаги табиатнинг гўзал манзаралари, оқар сув ва чашмалари ва умуман, она заминни шунчалик

омилқорлик ва жозоба билан тасвирлайдики, булар Бобур иқтидорининг ва она юртга бўлган кучли муҳаббатининг ҳақиқий инъикосидир.

«Бобурнома»нинг иккинчи қисми Афғонистондаги воқеа ва ҳодисалар билан боғлиқдир. Асарда Бобур қандай қилиб Қобул ва унинг атрофидаги ерларни босиб олгани, афғон қабилаларини бўйсундириб, янги давлат барпо этганлиги тўғрисида эхтиросларга тўлиб гапирилади. Бобур Афғонистоннинг, айниқса, хушҳаво Қобул манзарасини мароқли ва жозибали бадий тил билан ҳикоя қилар экан, унинг тасвирини турли қизикарли саргузашт, ривоят ва ўзининг ўткир мушоҳадалари натижасида яратилган шеърӣ лавҳалар, ранг-баранг бадий воситалар билан безайди. Натижада Бобур эсдаликлари китобхоннинг диққатини ўзига беихтиёр жалб этади ва ўқувчи асарнинг қаҳрамони — Бобур билан биргаликда воқеаларда қатнашаётгандай сезади ўзини. «Бобурнома»нинг юксак бадийлиги ҳам ана шундадир. Масалан, Бобур Қобул вилоятининг аҳолиси ҳақида гапирар экан, уни шундай таърифлайди:

«Мухталиф ақвом Қобул вилоятида бордур. Жулгасида ва тузларида атроқ ва аймок ва аъробдур. Шаҳрида ва баъзи кентларида сортлардур. Яна баъзи кентларида ва вилоётида пашойи ва парожӣ ва тожик ва бараки ва афғондур. Ғазни тоғларида ҳазора ва накдаридур. Буларнинг орасида баъзи муғулий тил била ҳикоят қилурлар... Ўн бир — ўн икки лафз била Қобул вилоятида талаффуз қилурлар... Мунча мухталиф ақвом ва мугаййир алфоз маълум эмаским, ҳеч вилоятта бўлғай» («Бобурнома», 189-бет). Бобур Қобул манзарасининг баҳор фаслида мислсиз гўзаллигини тасвирлар экан, унга бўлган муҳаббат, эхтиросларини қуйидагича мисраларда тўлқинланиб ифода этади:

Сабзаю гуллар била жаннат бўлур Қобул баҳор,  
Хосса бу мавсумда Борон ёзисию Гулбаҳор.

Бу мисралар шоирнинг Қобулга бўлган муҳаббатининг дилдаги ифодаси бўлса, унинг вафотидан сўнг ҳокими Қобулдаги ўзи яратган боғга қўйишларини истаб фарзандларига қолдирган васияти эса, Бобурнинг бу шаҳарни нақадар севишининг амалдаги исботидир, деб қарамоқ керак.

Бобурнинг Афғонистондаги ҳаёти ва фаолияти, проф. Б. Валихўжаев таъкидлаганидек, «Бобур сиёсий фаолияти учун яна бошқа, яна катта воқеаларга ўтиш кўприги вазифасини ўтаган. Бу катта воқеа эса, Ҳиндистонни қўлга киритишдан иборат бўлган. Ана шу мақсадга эришиш эса 1519 йилдан қатъий вазифа қилиб қўйилган ва шунга тайёргарлик ишлари кўп йиллар мобайнида режалаштирилган эди».

Бобур ҳаётининг Ҳиндистон даври турли ажойиб ва ғаройиб воқеаларга тўлиб-тошган. Унинг ўзи бу ҳақда шундай деб ёзади:

«Ғариб мамлакате воқеъ бўлубтур. Бизнинг вилоятларга боқа ўзга оламекур. Тоғ ва дарёси ва жангал ва саҳроси, мавозеъ ва вилоёти ва ҳайвонот ва набототи, эли ва тили ва ёмғири ва ели барча ўзгача воқеъ бўлубтур» («Бобурнома», 342-бет).

«Бобурнома»да. Ҳиндистон юриши, у ердаги ҳаёт, умуман мамлакатнинг жугрофий тузилиши, иқлими, сувлари, ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами, ижтимоий-сиёсий аҳволи, табиий бойликлари ҳам кенг ва чуқур, зўр тажриба ва билимдонлик билан ёритилган. Ҳиндистон ҳақида Абу Райҳон Берунийдан кейин ҳеч бир ўзбек олими бундай мукаммал асар яратмаган эди» («Ўзбек энциклопедияси», 2- том, 296- бет).

«Бобурнома»да келтирилган қимматли маълумотлар тарих, география, биология, зоология, ботаника, геология, топография, топонимия, адабиётшунослик, тилшунослик, этнография ва бошқа кўп фанлар учун катта аҳамият касб этади. Бу маълумотларнинг қиммати шундаки, улар орқали биз Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистон тарихи билангина эмас, балки бошқа фанлар учун муҳим бўлган илмий ва амалий далиллар билан танишиш имкониятига эга бўламиз. Бу жиҳатдан «Бобурнома» турли фанлар тараққиёти тарихини ўрғанишда илк манба вазифасини ўтайди.

«Бобурнома» Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқлари тарихи, адабиёти, санъатини ўрғанишда ҳозир ҳам ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Ушбу асарда Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Мирхонд, Хондамир, Шайхим Сухайлий, Муҳаммад Солих, Биноий, Фориғий, Ҳилолий, Осафий, Султонали Машҳадий, Бехзод, Шох Музаффар, Қул Муҳаммад Удий, Шайх Нойи, Ҳусайн Удий каби шарқнинг машҳур намояндалари билан бир қаторда, ижодлари бизгача етиб келмаган Абулбарақа Фирокий, Анварий Девона, Аҳмад Ҳожибек, Биҳиштий Ҳисорий, Бойсунғур Мирзо, Вали Қаландар, Мир Мугул, Юсуф Андижонийлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган. Бобурномада ва айниқса, унинг «Аруз рисоласи» асарида мазкур шоирлар ижодларидан намуналар келтирилган. Бу эса, ўз навбатида «Бобурнома»нинг шарқ халқлари адабиёти тарихини тиклашдаги ролининг катталигини далolat беради.

Бобур бадий асар тилининг содда, ихчам ва ўқувчига тушунарли бўлишига алоҳида эътибор берган. Масалан, у ўғли Ҳумоюнга ёзган мактубларидан бирида уни баландпарвоз гаплардан қочишга чакиради. Айрим араб сўзларини ёзишда имло хатоларини кўрсатган ҳолда, уни танқид қилади. Бундан кейин мактуб ёзганинда, — дейди Бобур, — бетақаллуф, тушунарли қилиб ёзсанг, ўзинг ҳам қийналмайсан, ўқувчига ҳам мактубингни ўқиш осон бўлади, — деб таъкидлайди.

«Бобурнома» туркий халқлар тилини ўрғанишда ҳам улкан хазина ҳисобланиб, туркий халқлар адабиётининг қимматли ёдгорликларидан биридир. Унда ёзувчи халқ тилида мавжуд бўлган сўз ва иборалардан, мақол ва масаллардан унумли фойдаланган. «Бобурнома»ни тил нуктаи назаридан ўрганган олимлар асардаги сўз ва ибораларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ёзувчи бадий маҳоратининг юксаклигини таъкидлаб ўтишган.

«Бобурнома» XVI асрдаёқ форс тилига, кейинчалик инглиз, немис ва француз тилларига таржима қилинган. Бизнинг даврда рус ва ўзбек тилларига бир неча бор таржима қилиниб, қайта-қайта нашр қилинмоқда.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг сермазмун ва баракали ижоди билан жаҳон адабиёти хазинасига улкан улуш қўшган ўзбек халқининг энг истеъдодли фарзандларидан биридир.

Унинг аруз илми учун қимматли бўлган «Аруз рисоласи» номли асарининг ягона мўтабар нусхаси ҳозирги кунда Париж Миллий кутубхонаси фондида сақланиб келмоқда. Лекин ўзбек ва барча туркий халқлар шеърини назариясини ўрганиш ва ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этувчи бу нодир асар турли сабабларга кўра сўнгги йиллардагина илм аҳлининг эътиборини ўзига жалб қилди. Шунга қарамасдан, ҳозир Бобурнинг бу асари борасида қатор илмий мақола ва ахборотлар эълон қилинди. 1971 йил Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи томонидан Париж миллий кутубхонасида сақланаётган 1533—1534 йилларда Ҳожи Муҳаммад Самарқандий томонидан кўчирилган бу нодир қўлёзма нусхаси биринчи бор нашрга тайёрланди. Китоб сўз боши, рисоланинг ҳозирги ўзбек жорий алифбосидаги транслитерацияси, факсимил наъри, изоҳ ва кўрсаткичлар билан берилган. 1972 йил эса шу рисоланинг факсимил наъри арузшунос олими И. Стеблева томонидан ҳам chop қилинди.

Узоқ тарихга эга бўлган ўзбек поэзиясига аруз илмининг кириб келганига бир қанча асрлар бўлган бўлса ҳам аруз қоидалари ҳали тартибга солиниб, ўзбек арузи сифатида миллий тусга эга эмас эди. Зиҳфот, вазн ва айниқса, тақтиъ бобида ўзбек шеърини талабларидан келиб чиқиб, низом шаклига келтиришни давр тақозо қилар эди. Форс-тожик арузининг ўзига хос қонун-қоидалари аллақачон ишлаб чиқилган ва улар ўз ифодасини қатор йирик рисоаларда топган эди. Тусий, Табризий, Розий, Жомий ва бошқа олимлар форс-тожик арузига бағишлаб ёзган рисоалари билан кўп йиллик самарали шеърини ижодларига яқун ясадилар. Бобурнинг «Аруз рисоласи» асарининг яратилиши эса ўзбек миллий арузининг шаклланишида катта воқеа бўлди.

Бобурнинг шеърини хазинаси йилдан-йилга бойиб, арузнинг турли вазнларида ўз ифодасини топди. Йиллаб қилинган самарали ижод натижа-сида аруз илми борасида янги маълумотлар, мулоҳазалар ва фикрлар пайдо бўлди. Бобур шеърнависликда аруз илмидан ҳар томонлама фойдаланди ва араб, форс-тожик арузларини ўзбек арузи билан қиёсий ўрганди. Самарали ижод ва тадқиқотлар натижасида арузнинг янги 248 вазнини аниқлади. Бобур жузвлар ҳақида янги фикрга келди. У **фосила жузвининг рукнлар** ясашда ҳожати йўқлигини исбот қилади. Бобур **жузвларни** иккига ва уларнинг ҳар бирини уч навъга ажратиш керак, деган хулосага келади.

Бобур арузда номаълум зиҳфларни излаб, уларнинг сонини 44 га етказди. Бунга ўзбек арузида форс-тожик арузига нисбатан камроқ истеъмол қилинадиган рукнлар, зиҳф ва фарълар кирмайд.

Бобур тақтиъ бобида ўзбек тили фонетик қоидалари асосида «Мезон ул-авзон»да ишлаб чиқилган ўзбек арузининг қонун-қоидаларини тартибга солиб, арузни янада такомиллаштириш фикрига келади. У баъзи баҳрлар орасида ўхшашликлар топиб, янги доира ихтиро қилади.

Бобурда кўшиқларнинг тархоний, туркий, ўланг, шунингдек, туюқ ва унинг ранг-баранг турлари ҳақида бой фикрлар туғилади.

Хуллас, Бобур ўзининг илмий-назарий кузатишлари жараёнида туғилган аруз борасидаги янги фикрларини бир ерга жам қилиб рисола шаклида ифодалашни лозим деб билди. Бу эса «Аруз рисоласи»нинг яратилишига асосий сабаб бўлди.

Бошқа томондан ўзбек поэзиясида аруз боблари батамом тартибга солиниб, ўзбек арузи сифатида миллий руҳга эга эмас эди. «Мезон ул-авзон» асари ўзбек арузининг яратилишида катта ўрин тутса ҳам, унда ҳали ўзбек шеърятининг вазн қонун-қоидалари ўз ифодасини топмаган эди.

Бобур ўзбек шеърятини вазнларининг барча турлари ва уларнинг ички қонун-қоидаларини мукаммал ифодаловчи тўлиқ рисола яратиш каби масъулиятли бир вазифа олдида турганини яхши билар ва бу билан ўзининг бутун шеърый меросига яқун ясамоқ ниятида эди.

Заҳириддин Бобур ўзбек тили фонетик қоидалари ва араб, форс-тожик арузи негизи асосида Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асарида фикр юритилган ўзбек арузининг илмий-назарий талабларига ҳар томонлама жавоб бера оладиган рисола яратди.

Бобур ўзининг бу асари билан ўзбек поэзиясида қўлланиладиган аруз баҳрларининг кўп янги вазн, зиҳоф ва фаръларини аниқлади. Шунингдек, у ўзбек тили ва шеърятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, вазн ва тақтиъ бобларида ўзбек арузи борасида янги фикр ва мулоҳазалар билан умум аруз фанига бениҳоят катта ҳисса қўшди.

Бобур «Аруз рисоласи» асарини яратиб, ўзбек миллий арузига асос солган адабиётшунос олим сифатида ҳам майдонга чиқди.

Бобурнинг бу асари адабиётшунослик тарихи ва ўзбек мумтоз поэзиясини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

«Аруз рисоласи» ҳозирги ўзбек поэзиясида ҳам аруз илмини ўрганиш ва ривожлантиришга маълум ҳисса қўшади.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### БОБУР ЛИРИКАСИНING ТЕРАН ИЛДИЗЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бизгача етиб келган қўлёзма девонларининг нусхалари жуда кўп эмас. Ҳозирча Париж миллий кутубхонасида, Ҳиндистоннинг Рампур шаҳридаги «Ризо» кутубхонасида, Ҳайдарободдаги «Саларжанг» музейи фондида, Эрондаги «Салтанат» кутубхонасида ва Ф. Купрулузода нашри учун асос қилиб олинган, Туркияда сақланаётган нусхаларигина бизга маълум. Бобурнинг шеърый мероси унинг ҳаётлигида бир ерга жам қилиниб, анъанавий девон ҳолига келтирилмаганлиги туфайли мазкур

нусхалар шоир лирик меросининг илмий нашрларида бир-бирларини тўлдирувчи асосий қўлёзма манбалар бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Шу туфайли ҳозирча Бобур шеърый мероси юзасидан чоп этилган бирорта нашрни мукаммал дея олмаймиз. Бобурнинг нашр қилинган шеърый китоблари ҳажман турличадир. Шунинг учун келгусида янги топилмалар ҳисобига мазкур нашрлар тўлдириб борилишига ишончимиз қомилдир. Чунончи, Эрондаги «Салтанат» кутубхонасида сақланиб келинаётган энг мўътабар қўлёзмалар тадқиқ доирасига киритилишининг ўзи Бобур ижодини янада чуқурроқ ўрганишда катта манба вазифасини ўтайди, деб ўйлаймиз.

### БОБУР ДЕВОНЛАРИNING ҚЎЛЕЗМА НУСХАЛАРИ:

#### 1. Эрон нусхаси.

1960 йили Туркияда нашр этилган ислом тадқиқотлари институтининг каталогидан Бобур асарлари қўлёзмасининг энг қадимги ва нодир нусхаси Эронда сақланаётганлиги бизга маълум бўлди.

Каталог муаллифининг сўзига қараганда, бу қўлёзма 931 (1524—25) хижрий йили кўчирилган бўлиб, у Бобур асарларининг мавжуд қўлёзма нусхалари орасида энг мўътабарларидан ҳисобланади. Қўлёзма таркибига «Бобурнома», «Аруз рисоласи» асарлари ва Бобурнинг ўзбек тилида яратган шеърлари киритилган. Ўз навбатида, қўлёзма ҳуснихат ва китобат санъатининг энг юксак намунаси эканлиги ҳам қайд этилади. Қуйида каталог муаллифининг бу мўътабар қўлёзма нусха ҳақидаги маълумотларини айнан келтирамиз:

«Вақайиъи Бабурий» 931 да язилмиш бир нусха. Бошта Бабурун туркча дивани ва дигер манзум есерлери, «Мизан ал-авзан»нинг ҳам бир нусхаси. Диванин сияҳла язилан туркча, аслина сатр араларинда қирмизи муреккепле ва даҳа инша бир язи ила фарсча тержумаси илава эдилмиш. Ўлязманин ўртасинда «Бабурнаме» башлиёр, яна асл мети сияҳ ва ири ҳарфлерле, сатр арасинда қирмизи муреккепле фарсча тержумаси верилмиш. Язманин кенарларинада мушкул келимелерин изаҳи япилмиш. Бабурун есерлерининг эн отантик нусхаси бу нусхадир, айни замонада бу язма Бабурулер саройиндан калан бир ҳуснухат намунасиدير».

2. Туркия нусхаси. Ҳозиргача бизга маълум бўлган Бобур асарларининг мукаммал нусхаларидан бири. Қотиби ва кўчирилган йили номаълум бўлган бу қўлёзма нусха Холис афанди кутубхонасида сақланаётганлиги ҳақида турк олими Ф. Купрулузода «Миллий татаббуълар мажмуаси» тўпламида хабар қилади. Бу нусхага «Рисолаи волидия» асарининг Бобур томонидан ўзбек тилига қилинган таржимаси, ўзбек, форс ва тожик тилларида ёзилган шеърлар тўплами, ўзбек тилида наср ва назмда битилган бир мактуб, форс тилида ёзилган мактубдан парча, «Аруз рисоласи» асаридан лавҳалар киритилган. «Рисолаи волидия»нинг Бобур томонидан қилинган таржима нусхаси хотимада айтилишига кўра, муаллиф таҳрир қилган мўътабар нусхадан кўчирилган. Демак, қотиб «Рисолаи волидия» асарини кўчиришда

Ҳиндистоннинг Рампур шаҳридаги «Ризо» кутубхонасида сақланаётган Бобурнинг дастхат нусхасини асос қилиб олган. Бу мўътабар қўлёзмадаги шеъринг тўпламининг таркибини ўз тартиби билан баён қиламиз. Ўзбек тилида: 118 газал, 8 маснавий, 104 рубой, 52 муаммо, 18 қитъа, 15 туюк, 75 фард, 29 сунъий шеърлар (газал, қитъа, рубой, фардлар), яна 1 парча маснавий, 1 рубой, 4 фард. Форс-тожик тилида: 3 газал, 1 қитъа, 18 рубой.

Туркия нусхасига кирган шеърларни Ф. Купрулузода «Миллий татаббуълар мажмуаси»нинг қатор сонларида нашр эттирган. Бизгача етиб келган Бобур шеърларини чоп қилдиришда хануз Ф. Купрулузода нашри катта хизмат вазифасини ўтаб келмоқда.

**3. Париж нусхаси** Бобурнинг Ўрта Осиё давридаги ижодига оид шеърларни ўз ичига камраб олган бўлиб, энг мўътабар девон нусхаларидан биридир. У Қотиб ал-Абд Муҳаммад Бокий томонидан нафис настаълиқ хатида кўчирилган. Унга ниҳоятда гўзал унвон ишланган, хошиялар чиройли ранг-баранг гуллар билан безатилган. Тўплам «Мин мақолоти ҳазратул аъло» (Олий ҳазратларининг мақолотлари) сарлавҳаси билан бошланади. Шеърлар алифбо тартибида эмас, балки ёзилган вақтига роя қилинган ҳолда жойлаштирилган. Лекин тўпланда жанрлар тартиби гоҳо бузилиб, газаллар ўртасида туюк ва фард, фардлар ўртасида муаммо ва бошқа жанрга мансуб шеърлар келаверади. Бу қўлёзма Бобур дастхат нусхаларидан тўғридан-тўғри кўчирилган бўлса керак, деган таҳминни тугдиради.

Қўлёзманинг кўчирилиш тарихи кўрсатилмаган. Лекин текстологик белгиларга кўра уни XVI асрнинг иккинчи ярмига мансуб десак бўлади. Тўплам ўз ичига 89 тугал газал, 1 тугалланмаган газал, 63 рубой, 1 маснавий, 11 туюк, 1 қитъа, 29 муаммо, 21 фардни камраб олган. Қўлёзманинг ҳажми 51 варақдан (102 бет) иборат. Қўлёзма муҳрланган. Унинг матни хиралашганидан ўқилиши қийин. Айрим саҳифаларда матнга тузатишлар киритилган, айрим саҳифаларда эса қора доғлар ҳосил бўла бошлаган. Хошияларда сув доғлари ҳам учраб туради. Шунга қарамай, жуда яхши сақланган, унинг матни равшан ва ўқилиши яхши. 31<sup>а</sup>-бетда боғдаги базм манзараси нафис бўёқлар билан гўзал қилиб ишланган. Мажлис марказида ёш Бобур қўлида май ушлаган ҳолда суҳбат қуриб ўтирибди. Афсуски, миниатюрада тасвирланган кишиларнинг юзлари сиёҳ билан чаплаб ташланган. Қўлёзма қотиб номи билан тугайди. Охириги бўш саҳифада эса форс-тожик тилида номаълум киши қаламига мансуб ёзувлар учрайди.

**4. Рампур нусхаси** Бобурнинг Ҳиндистонда яшаб ижод этган даврига оид шеъринг асарларини ўз ичига олади. Қотиби номаълум бўлган Бобур девонининг ушбу Рампур қўлёзма нусхаси Париж нусхаси каби ягона адабий ва тарихий манба ҳисобланиб келмоқда. Бу нусха ўз ичига Париж нусхасига кирмаган шеърларни камраб олган. Бу нусха 20 варақдан иборат бўлиб саҳифалар 1 дан 40 гача рақамланиб чиқилган.

Биринчи саҳифанинг юқорисида қўлёзманинг сақланиш рақами ёзилган. Унинг пастрогида турли даврларга оид ёзувлар битилиб муҳрланган. Саҳифанинг остки қисмида диққатга сазовор бир

ёзув бор. Унда Ҳиндистонда Бобурийлар саройида хизмат этиб ижод қилган таниқли шоир Байрамхон номи тилга олинади. Матн мазмунидан Бобур қўлига мансуб ёзувлар қўлёзмада мавжудлиги ҳақида гап боради. Бу ёзувни Байрамхоннинг ўзи ёзганлиги аниқ. Давр ўтиши билан матннинг айрим жойлари ўчганлиги ва хиралашганлиги туфайли қуйидаги сўзларнигина ўқий олдик:

— Ба хатти фирдавси маконий қадасса-л-лоху сиррах-ул-азиз... Муҳаммад Байрам... рабиъу-с-соний 969».

Қўлёзма Хожа Убайдулло Аҳрорнинг «Рисолаи волидия» асарини ўзбек тилига Бобур томонидан қилинган таржимаси билан бошланади. Таржима 11 варақни ташкил этади (2<sup>а</sup> — 12<sup>б</sup>). Қолган (13<sup>а</sup> — 20<sup>б</sup>) варақларга Бобурнинг ўзбек ва форс-тожик тилларидаги шеърлари аралаш жойлаштирилган. Ўзбек тилида: 2 маснавий, 1 қитъа, 23 рубой, 5 фард — уч вазнда, 1 мутатаввал байт. Форс-тожик тилида: 6 рубой. Урду-форс тилида: 1 фард. Урду-ўзбек тилида: 1 фард.

Матн мутатаввал байтлар билан тугагач, қўлёзма колофони келтирилади: Ҳарраҳу Бобур душанба раба-л-охир сана 935.

Қуйироқда асосий матнга нисбатан қиялатиб Бобурнинг ўз қўли билан ёзган бир рубойси жой олган. Хошияда бу рубой Бобурнинг дастхати эканлигини тасдиқловчи Шохжаҳоннинг қуйидаги сўзлари ҳам ёзилган:

«Ин рубойи туркий ва исми муборак ба таҳқиқи хатти аъло-ҳазрат, фирдавси маконий Бобур подшоҳ газийи-л-лоху бурҳанаху аст. Ҳарраҳу шох Жаҳон ибн «Жаҳонгир» подшоҳ бин Акбар подшоҳ бин Хумоюн подшоҳ бин Бобур подшоҳ».

(Таржимаси: «Бу туркий рубойи исми муборак Бобур подшоҳ гозий, аълоҳазрат, фирдавс маконийнинг дастхатларидир (Унинг бу ҳужжатини оллоҳ ёритсин). Бунини Бобур подшоҳнинг ўғли, Хумоюн подшоҳнинг ўғли, Акбар подшоҳнинг ўғли, Жаҳонгир подшоҳнинг ўғли, Шохжаҳон кўздан кечириб чикди»).

Қўлёзмада Бобур ушбу девонга кирган шеърларни ўз қўли билан таҳрир қилиб чиққанлигини эслатади:

«Ҳиндистон жониби (га) азимат қилғали айтилгон ашъор бу эрдиким таҳрир қилдим ва кечкан вақойиъ ул дурурким таҳбир қилиб турмен нечукким бу авроқта мастурдурур ва ул ажзода мазкур». Мазкур ишорага кўра Бобур қўлёзmani кўриб чиқиб унга қалам текказган бўлиши керак деган фикрга келдим. Шу туфайли бизни хошиялардаги ёзувлар қизиқтириб қолди. Текширишлар натижасида хошиялардаги ёзувлар ҳам Бобур қаламига мансуб эканлиги аниқланди.

Бобур қўлёзманинг 4<sup>а</sup> варағи хошиясида ҳам «Қайси сўздур эрур нолойик» деб ёзилган мисрани «Дема ҳар сўзи эрур нолойик» деб тузатади. 7<sup>б</sup> варақда эса «Севунлук» деб ёзилган хатони «йўсунлук» деб таҳрир қилади. 8<sup>а</sup> варақда «элини» сўзини «аслини» сўзига, 9<sup>б</sup> варақда эса «бўлғай» сўзини «тутқай» сўзи билан алмаштиради.

Қўлёзма 20<sup>б</sup> варағ билан тугайди. Бу саҳифада қўлёзманинг бошидаги қотиб қатор муҳрлар ва турли шахсларга оид ёзувлар мавжуд. Қўлёзмага гўзал зарҳал унвон ишланган. «Рисолаи волидия» асарининг таржимаси тугагач, шеърларнинг бошла-

ниш қисми учун алоҳида кичикрок унвон ишланган. Шундай унвон 18<sup>о</sup>-бетда ҳам мавжуд. Ҳар бир бетга 13 мисра шеър жойлаштирилган.

Қўлёзма китобат санъати намунаси сифатида ҳам диққатни ўзига тортади.

1975 йилнинг баҳорида профессор Ҳамид Сулаймон раҳбарлигида Ҳиндистонга илмий экспедиция уюштирилди<sup>1</sup>. Экспедициянинг асосий вазифаларидан бири мамлакат китоб фондлари билан танишиб, ўзбек адабиётига алоқадор қўлёзмаларнинг фотонусхаларини олиб келишдан иборат эди. Жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижодига оид қўлёзмаларни излаб топиш ҳам бизнинг тадқиқ доирамизга кирган эди. Бизга шу пайтгача номаълум бўлиб, Ҳиндистонда яшаб ижод этиб келган бир канча ўзбек шоирлари асарларининг қўлёзмалари қатори Ҳайдарободдаги «Саларжанг» музейи фондидан бирорта каталогда қайд этилмаган Бобур қўлёзма девонининг янги иккита нусхаси маълум бўлди. Улардан бири 18, иккинчиси 4 инвентар рақамлари остида мазкур ҳазинада сақланиб келмоқда. Биз шартли равишда улардан бирини Ҳайдаробод — 1, иккинчисини Ҳайдаробод — 2 нусхалари деб юритамиз.

**5. Ҳайдаробод** — 1 — девон нусхасига 89 ғазал, 65 рубой, 21 туюк, 1 китъа, 49 фард, 10 маснавий кирган. Қўлёзма 43 варақдан иборат бўлиб, 1 дан 27 варақча Бобур девони, 29 дан 43 гача Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-лугатайн» асари ўрин олган. Бу нусхага Бобурнинг ўрта Осиё давридаги ижодига оид шеърлари кирган.

Ҳайдаробод девонининг нусхасини Париж нусхаси билан қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳар иккала нусха бир-бирларига шеърларнинг ҳажми, тартиби жиҳатидан жуда ҳам ўхшаб кетади. Ҳайдаробод девонининг нусхаси Париж нусхасидан кўчирилганлигини исботловчи яна бир далил шундан иборатки, айрим ўринларда қотиб Париж нусхасидаги камчиликларни бартараф этмаган ҳолда айнан ўзини кўчиради.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳайдаробод — 1 қўлёзмаси Париж девонидан кўчирилган янги бир нусха бўлиб, у илм учун Бобур девонлари нусхаларини ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан бойитадиган қимматли манбаъ ҳисобланади. Ҳайдаробод — 1 нусхаси Бобур девонининг яратилиш тарихини ўрганишда ва унинг дастлабки муаллиф матнини тиклашда, шубҳасиз маълум хизмат вазифасини ўтайди.

**6. Ҳайдаробод** — 2 нусхасига ҳам Бобурнинг ўрта Осиё давридаги ижодига оид шеърлари кирган. Лекин бу нусха ҳажм жиҳатидан Париж девони нусхасидан кичикрок бўлиб, 25 варақни (51 бет) ташкил этади. Қўлёзманинг кўчирилган вақти ва қотиби номаълум. Уни тахминан XVII асрга нисбат берса бўлади.

## БОБУР ШЕЪРИЙ ДЕВОНЛАРИНИНГ ИЛМИЙ НАШРЛАРИ

**1. Е. Денисон Росс наشري** 1910 йилда Ҳиндистоннинг Қалькутта шаҳрида амалга оширилган. Нашр учун Рампур қўлёзма нусхаси асос қилиб олинган. Иш икки услубда — матнларни араб ҳарфлари орқали босма йўл билан териш ва қўлёзма матнини айнан сурат йўли билан (факсимиле) бериш орқали амалга оширилган. 6-бетда

сўзбошидан сўнг типография йўли билан терилган матнлар бошланади. Нашрга қўлёзма факсимилеси илова қилинган. Матн 23 саҳифани, факсимиле эса 19 саҳифани ташкил этган. Бу нашрнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида А. Н. Самойлович батафсил тўхтаганлиги сабабли биз айтилганлар билан қиёяланамиз. Е. Денисон Росс наширдан А. С. Самойлович ўз нашида ижодий ёндашиб кенг фойдаланган.

**2. Ф. Купрулузода наشري**<sup>2</sup>. 1915 йилда Истамбулда Халис афанди кутубхонасига мансуб қўлёзма асосида «Миллий татаббуълар мажмуаси» тўпламининг бир неча сонларида эълон қилинган. Нашрнинг 1-жилд, 3-сонидан 33 ғазал, 6 та тўлиқ маснавий, 1 тугалланмаган маснавий ўрин олган. 2-жилд 5-сонига юқоридаги тугалланмаган маснавий тўлиқ ҳолда, 199 рубой, 52 муаммо ва 18 китъа кирган. Агар қўлёзма билан нашрдаги асарларнинг номлари ва сонига диққат билан эътибор берилса, шеърларнинг талай қисми бизга номаълум сабабларга кўра нашр қилинмаганлиги кўзга ташланади.

**3. А. Н. Самойлович наشري**<sup>3</sup> икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмига Париж миллий кутубхонасида, иккинчи қисмига Рампурдаги «Ризо» кутубхонасида сақланиб келадиган қўлёзма нусхалар асос бўлган. А. Н. Самойлович ҳар иккала қўлёзмага кирган барча шеърларни камраб олиб, уларнинг араб ёзуви асосидаги матнини босма услубида нашр эттирган. Китоб сўзбоши, турли кўрсаткичлар (вазн, кофия, радиф) ва Д. Росс нашида йўл қўйилган камқўстлар кўрсаткичлари билан таъминланган. Китобга қўлёзманинг айрим варақлари факсимилеси ҳам илова қилинган. А. Н. Самойлович наشري ўзининг юксак илмий савияси билан хануз ўз қимматини йўқотган эмас. Ҳозирги кундаги нашрларнинг деярли аксарияти ана шу манба асосида қайта-қайта нашр қилиб келинмоқда.

**4. С. Азимжонова наشري**<sup>4</sup>. Рампур шаҳридаги «Ризо» кутубхонасида сақланиб келадиган Бобурнинг дастхат нусхаси асосида шоирнинг Ҳиндистонда яратган шеърларини илмий тадқиқ этишга бағишланган. Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида тарихий манбаларга суянилган ҳолда Бобурнинг Ҳиндис-

<sup>1</sup> Бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш учун қarang: «Советская тюркология» журн. 1980, 2-сон.

<sup>2</sup> Ф. Купрулузода. Миллий татаббуълар мажмуаси. Истамбул. 1331 хижрий. Т. 1, 1—3-сонлар, Т. 2, 5-сон.

<sup>3</sup> А. Н. Самойлович. Собрание стихотворений императора Бабура. Петроград, 1917, 29-бет.

<sup>4</sup> С. Азимжонова. Индийский диван Бабура. Изд-во «Фан», Т., 1966.

тондаги ижоди ва унинг аҳамияти ёритилади. Китобда Бобур ва унинг адабий муҳити мавзуга кенг ўрин берилади. Нашрга илова тарикасида қўлёзма нусхасининг факсимилеси илова қилинган. Қўлёзма аслида таниқли шоир Байрамхоннинг (қўлёзма Бобур автографи эканлиги ҳақидаги) қайдлари билан бошланади.

**5. И. В. Стеблева нашри<sup>1</sup>** — Бобурнинг 500 йиллик тўйи муносабати билан нашр қилинган.

Китоб Бобур газалларини ўрганишга бағишланган. Асарда газал жанрининг шакли, тузилиши ва маъно бирлиги каби муҳим назарий масалалар кўтарилади. Бу анъанавий жанр орқали шоир ўзининг ҳақиқий қиёфасини қай даражада маҳорат билан кўрсата олганлиги асарда ишончли илмий далиллар билан очиқ берилади. Бу назарий масалаларни ёритишда олима араб, форс-тожик адабиётидаги шеърятга мурожаат этади, газал жанрининг хусусиятларини туркий халқларга хос бўлган жиҳатлари билан қиёсий ўрганади. Тадқиқотчи Бобур ижодидаги лирик мотивларда, ХІ аср туркий поэзияси (хусусан, «Девони луғатит-турк» асари)нинг кучли таъсири борлигини қайд этиб, ўз фикрларини мисоллар орқали ойдинлаштиради.

Олима китобга яқун ясар экан, Бобур газалларини бир бутун лирик мерос сифатида кўз олдида гавдалантиради, шоир сиймосига туркий халқлар классик шеърятининг эстетик мезони доирасида ўз ҳаётий йўналиши ва кечинмаларини кучли эҳтирос ва юксак маҳорат билан куйлай олган санъаткор сифатида баҳо беради.

И. В. Стеблеванинг «Бобур газаллари семантикаси» асари Бобур лирикасига бағишланган муҳим

тадқиқотлардандир. Тадқиқотчи Бобур газалларини пухта ва диққат билан ўрганиб чиқиб, уларнинг моҳияти ва шаклий такомил ҳақида маълум хулосалар чиқарар экан, бу хулосалар фақат шоир газалларигагина тааллуқли бўлиб қолмай, балки бутун ўзбек шеърятдаги газал жанрига алоқадор бўлган илмий умумлашмалар манбаи, десак янглишмаган бўламиз.

#### **Бобур шеърӣ девонларининг оммавий нашрлари**

Бобурнинг ўзбек тилидаги шеърлари дастлаб «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси» (Тошкент, 1945), «Ўзбек поэзиясининг антологияси» (Ўздавнашр, 1948), «Навой замондошлари» (Тошкент, 1948) тўпламларида, сўнгра 1958 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти томонидан девон ҳолида нашр этилди. 1965 йили эса Бадий адабиёт нашриёти орқали чоп этилган III жилдлик асарлар тўпламининг I- жилди Бобур девонини ташкил этади. Ниҳоят, Бобур девонининг тўлдирилган ҳолдаги нашри 1982 йил шоирнинг 500 йиллик юбилейи муносабати билан чоп этилди. Шоир шеърлари рус тилида 1943 йил Е. Э. Бертельс сўзбошнси билан Тошкентда, сўнгра 1957 йили шу китобча Москвада қайта нашр этилди. Бобур шеърларидан намуналар турли тўпламлар ва таржимонларнинг танланган асарларидан ҳам ўрин олиб келмоқда. 1982 йил Бобур газалларининг рус тилидаги тўлиқроқ нашри шоирнинг 500 йиллик юбилейи муносабати билан нашр этилди.

Бобур шеърларини оммалаштиришда олимлардан Е. Э. Бертельс, А. Қажомов, С. Азимжонов; таржимонлардан Л. Пенъковский, Н. Гребнев, Д. Лукашевич, Р. Моран, С. Иванов ва А. Наумовларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

<sup>1</sup> И. В. Стеблева. Семантика газелей Бабуре. «Наука», М., 1982.



*Заҳириддин Муҳаммад Бобур сурати  
Британия музейи, Лондон, Инв. I  
XVII аср*



*Заҳириддин Муҳаммад Бобур.  
XVII асрда чизилган расм*

✓ Буюк ўзбек шоири, адиби, тарихчи, истеъдодли олим, атоқли давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилнинг 14 февралида Андижонда темурийлар авлодидан Умаршайх оиласида дунёга келди. Унинг болалик йиллари Аҳси ва Андижон шаҳарларида ўтди. У илм-фан, адабиёт, тарих, ҳарбий машқ билан шугулланди. Мусиқа, шеърият илмларини пухта эгаллади.

Бобур ўзининг қисқа умри мобайнида катта илмий ва адабий мерос қолдирди. Унинг мусиқа ва ҳарб ишига оид рисолаларидан ташқари ҳамма асарлари бизгача етиб келган. Булар ичида «Бобурнома» асари уни бутун жаҳонга машҳур қилди. Бу қомусий асар жуда кўп тилларга таржима қилинган. Бобурнинг ўлмас асарлари ҳозирги кунда ҳам севилиб ўқилмоқда.

Богда қўлида китоб ушлаб ўтирган Бобур сурати орқали биз маънавий кўркем ва нозиктаъб бир сиймони кўз олдимизга келтирамиз. Унинг тиниқ кўзларидан нур, нозик қалбидан эса, эзгулик ва улуғворлик мавжлари тўлқинланиб турмоқда. Бу улуғ инсон, давлат арбоби, шоир ва олим суратидир.

Сайхун сувининг шимоли тарафидаги қасабалардан бири Ахсидур. Китобларда Ахсикат битирлар. Нечукким Асириддин шоирни Асириддин Ахсикатий дерлар. Фарғонада Андижондин сўнгра мундин улуғроқ қасаба йўқтур. Андижондин ғарб сори тўққуз йиғоч йўлдур.

Умаршайх Мирзо муні пойтахти қилиб эди. Сайхун дарёси қўрғонининг остидин оқар Қўрғони баланд жар устида вокиъ бўлубтур. Ҳандакининг ўрнига амиқ жарлардур. Умаршайх Мирзоким, муні пойтахт қилди. Бир-икки маротаба ташқаррокдин яна жарлар солди. Фарғонада мунча берк қўрғон йўқтур. Қовуни яхши бўлур. Бир навъ қовундурким, «Мир Темурий» дерлар, андоқ қовун маълум эмаским, оламда бўлғай. Бухоро қовуни машҳурдур. Самарқандни олғон маҳалда Ахсидин, Бухородин қовун келтуруб бир мажлисда кестурдум. Ахси қовунининг ҳеч нисбати йўқ эрди. Ови қуше бисёр



*Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тахтга ўтириши маросими.  
(Ҳиндистон. Альвар музейи, № 2. Бобурнома, 2 — 3-саҳифа.)*

бўлур. Сайхун дарёсининг Ахси тарафи дашттур. Оқ кийиги бисёр бўлур. Андижон тарафи жангалдур. Бу ғумарал, кирғовул ва товушқони кўп топилур, асру семиз бўлур.

... Бу аснода ғариб воқеа даст берди. Мазкур бўлуб эдиким, Ахси кўрғони баланд жар устида воқеъ бўлуртур. Иморатлар жар ёқасида эрди. Ушбу тарихда душанба кун рамазон ойининг тўртида Умаршайх Мирзо жардан кабутар ва кабутархона била учуб шункор бўлди. Ўттиз тўққўз яшар эди».

(«Бобурнома», 62 бет.)

«Тенгри таолонинг инояти билан ва ҳазрати он сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри босафоларнинг ҳиммати бирлан сешанба кун рамазон ойининг бешида тарих секкиз юз тўқсон тўққузда Фарғона вилоятида ўн икки ёшда подшоҳ бўлдум».

(«Бобурнома», 59- бет.)




Алишер Навоийнинг Маҳмуд Музаҳҳиб чизган расми



«Бобурнома»нинг форсча қўлёзмаси унвони

Фарғона вилояти бешинчи иқлимдиндур. Маъмуранинг канорасида воқеъ бўлуртур. Шарқи Кошғар, ғарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлари, шимолида агарчи бутун шаҳарлар бор кандур, мисли Олмалиқ ва Олмоту ва Янгиким, кутубларда Ўтроркент битирлар, муғул ва ўзбек жиҳатдин бу


БОБИР ТАСАВВУРИДА ФАРҒОНА  
ФЕРҒАНА ПО ПРЕДСТАВЛЕНИЮ БАБУРА



*Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи экспозициясидан. Бобур хонаси учун чизилган харита*

тарихда бузулубтур, асло маъмура қолмабдур. Мухтасар вилояттур, ошлиқ ва меваси Фаровон. Гирдо-гирди тоғ воқеъ бўлубтур. Ғарби тарафидаким, Самарқанд ва Хўжанд бўлғай, тоғ йўқтур. Ушбу жонибтин ўзга ҳеч жонибтин қиш ёғе кела олмас. Сайхун дарёсиким, Хўжанд суйиға машҳурдур, шарқ ва шимоли тарафидин келиб, бу вилоятнинг ичи бирла ўтуб, ғарб сори оқар, Хўжанднинг шимоли Фанокантнинг жануби тарафидаким, ҳоле Шохруҳияға машҳурдур, ўтуб яна шимолға майл қилиб, Туркистон сори борур. Туркистондин хили қуйроқ бу дарё тамом қумға сингар, ҳеч дарёга қотилмас.

Етти пора қасабаси бор, беши Сайхун суйининг жануб тарафида, икки шимол жонибида. Жанубий тарафидағи қасабалар: бири Андижондурким, васатта воқеъ бўлубтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур, Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳаллида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпотисидан яхшироқ ношпоти бўлмас. Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш кўрғонидин сўнгра мундин улуғроқ кўрғон йўқтур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафида воқеъ бўлубтур. Тўққуз тарнов сув кирар. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чиқмас. Қалъанинг гирдо-гирди тамом маҳаллоттур. Бу маҳалла била қалъаға фосила ушбу хандак ёқасидағи шохроҳдур. Ови қуше доғи кўп бўлур, қирғовули беҳад семиз бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, бир қирғовулнинг ускунасини тўрт киши еб тугата олмайдур. Эли туркдур. Шаҳр ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам



*Ўш тепасидаги ҳозирги Сулаймон тоғида (Бобур курган) иморатнинг 1957 йил ва ҳозирги тикланган ҳолдаги кўринишлари*

била ростдур. Ани учунким Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Хирида нашъу намо топибтур, бу тил биладур. Элининг орасида ҳусн хили бордур. Юсуф Хожаким, мусикада машҳурдур, Андижонийдур. Ҳавосининг уфунати бор. Кузлар эл безгак кўп бўлур.

(«Бобурнома», 60- бет )

Яна бир Ўш қасабасидур. Андижоннинг шарқи жанубий тарафидур, шарққа мойил, Андижондин тўрт йигоч йўлдур. Ҳавоси ҳўб ва оқар суйи фаровондур. Баҳори бисёр яхши бўлур. Ўшнинг фазилатида хили аҳодис ворид бўлубтур. Қўрғонининг шарқи жанубий жонибида бир мавзун тоғ тушубтур. Барокўҳға мавсум, бу тоғнинг қулласида Султон Маҳмудхон бир ҳужра солибтур, ул ҳужрадин қуйроқ ушбу тоғнинг тумшуғида тарих тўққиз юз иккида мен бир айвонлик ҳужра солдим. Агарчи ул ҳужра мундин муртафиъдур, вале бу ҳужра бисёр яхшироқ вокиъ бўлубтур: тамом шаҳр ва маҳаллот оёғ остидадур. Андижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи била ўтуб, Андижонга борур. Бу руднинг ҳар икки жониби боғот тушубтур, тамом боғлари рудка

мушрифтур, бинафшаси бисёр латиф бўлур. Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур. Барокўх тоғи доманасида шаҳр била тоғнинг орасида бир масжид тушубтур, масжиди Жавзо отлик, Тоғ тарафидин бир улуғ шахжўй оқар. Ушбу масжиднинг ташқари саҳни нишеброк себаргалик, пурсоя, сафолик майдон вокиъ бўлубтур. Ҳар мусофир ва раҳгузар келса, анда истироҳат қилур. Уш авбошининг зарофати будурким, ҳар ким анда уйқуласа ул шахжўйдин сув қуярлар. Умаршайх мирзонинг охир замонларида қизил била оқ мавжлик тош ушбу тоғда пайдо бўлди: пичоқ дастаси ва такбанд ва баъзи нималар қилурлар, хила яхши тошдур. Фарғона вилоятида сафо ва ҳавода Уш чоғлик қасаба йўқтур.

Авлоди: (Умаршайх Мирзонинг — С. Ҳ.) уч ўғул, беш киз мирзодин қолиб эди. Бори ўғлонларидан улуки мен Заҳириддин Муҳаммад Бобур эдим. Менинг онам Қутлук Нигорхонум эди. Яна бир ўғул Жаҳонгир мирзо эди, мендин икки ёш кичик эди, анинг онаси муғулнинг туман бекларидин эди. Фотима Султон отлик. Яна бир ўғул Носир мирзо эди, онаси андижонлик эди, ғунчачи эди, Умид отлик. Мендин тўрт ёш кичик эди. Бори қизларидин улуғ Хонзодабегим эди, менинг била бир тукқан эрди, мендан беш ёш улуғ эрди. Мен Самарқандни иккинчи марта олғонда, бовужудким, Шайбонийхондек киши бирла Сарипулда чикиб урушиб, ончаким имкони бор эди саъй ва эҳтимомдин тақсир қилмадук, нечукким маҳаллида мазкур бўлғусидур, шикаст топиб келиб, беш ой қалъадорлик қилдим, қалъадорлик забти ва истехкоми ва сардорликда тақсир бўлмади. Атроф ва жавонибдағи подшоҳлар ва беклардин ҳеч навъ мадад ва муованат бўлмади, маъюс бўлуб солиб чиқтим.

Ул фаторатта Хонзодабегим Муҳаммад Шайбонийхонга тушуб эди, бир ўғул бўлуб эрди, Хуррамшоҳ отлик, макбул ўғлон эди. Балх вилоятини анга бериб эди, отаси ўлгандин бир икки йил сўнгра тенгри



*Бобурнинг опаси Хонзодабегим билан учрашуви. (Ҳиндистон. Деҳли. Миллий музейи. 50336. Бобурнома, 86- бет)*



Шайбонийхон. Беҳзод чизган расм

рахматиға борди. Шох Исмоил ўзбакни Марвда босқонда Хонзода-бегим Марвда эди. Менинг жиҳатимдин яхши кўруб андин узаттилар, Қундузга келиб менга қотилдилар. Муфорақат имтидоди ўн йил бўлуб эди. Мен ва Муҳаммадий Қўкалтош иков келдук, бегим ва бегимнинг ёвуғидагилар танимадилар. Бовужудким, отимни айттим ҳам муддатдин сўнгра танидилар.

Яна бир қиз Меҳрубонубегим эрди. Носир Мирзо била бир туқғон эрди, мендин икки ёш улуг эрди.

Яна бир қиз Шаҳрбонубегим эрди, бу дағи Носир мирзо била бир туқғон эрди, мендин секкиз ёш кичик эди.

Яна бир қиз Ёдгор Султонбегим эрди, онаси Оға Султон Отлигунчачи эди. Яна бир қиз Руқия Султонбегим эди, онаси Махдум Султонбегим эди. Қоракўзбегим дерлар эди, иккаласи мирзонинг фавтидин сўнг бўлдилар.

(«Бобурнома», 66-бет)



Самарқандниким етти ой муҳосара қилиб ташвишлар била олдук. Черик элининг ўлчаси туганди. Самарқандни олғонда Самарқанд андок хароб эдиким, мадад ва тухт ва тақовийға эҳтиёж бор эди. Чи жойи улким, киши ондин нима ола олғай. Бу жиҳатлардин черик эли кўп танқислиқ торттилар. Биз ҳам элга нима еткура олмадук. Уйларни соғиндилар.

Бирар-иккирар қочмоққа из қўйдилар... Бу фурсаттаким аксар черик эли ва мўғуллар тамом қочиб Андижон,

Бобурнинг Самарқандга юриши

Ахсиға бордилар, Узун Ҳасан ва Танбал ул вилоятларни Жаҳонгир мирзоға тамаъ қилдилар... Ул фурсатта бир маротаба беҳузур бўлуб, яхши бўлуб эдим. Нақоҳат айёмини ўбдон риоят қила олмадим, узулдум. Бу навбат ёмон беҳузур бўлдум. Андоқким, тўрт кунгача тилим тутулди, оғзимга пахта била сув томизурлар эрди. Менинг била қолғон бек ва бегот ва йигит-яланг менинг тирилмагимдан маъюс бўлуб, ҳар ким ўз фикрида бўлдилар... неча кундин сўнг ўз ҳолимга келдим... Ражаб ойи, шанба куни Андижон азимати билан Самарқандин чиктук. Бу навбат Самарқанд шаҳрида юз кун подшоҳлик қилдим... Андижонга бўла Самарқандни иликтин бердук. Андижон ҳам иликтин чиқмиш эди... Самарқанд ва Андижонга муқарраран юрушуб ҳеч иш очилмая, яна ёниб Хўжандга келдук.

(«Бобурнома», 110—118- бетлар)



*Бобур Самарқандда, оғир касал ҳолда*

Хонқули дедиким, мундоқ билан бўлмас, борчамизни олур... Бу минган отим бир нима сустроқ эди. Хонқули тушуб отини берди. От устидан — ўқ сакраб миндим. Хонқули менинг отимга минди. Ушбу ҳолатта Шохим билан Абдулқуддус Сайидий Қарониким, кейин қолиб эдилар, тушурдилар. Ўзумни ўлумга қарор бердим. Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки рақъат намоз ўқудум, бошимни муножотқа қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқуға борибтур. Кўрадурменким, Хожа Яъқуб Хожа Яҳёнинг ўғли ҳазрати Хожа Убайдуллонинг набиралари рўбарўйимга аблақ от миниб кўп жамоати аблақ сувор билан келдилар. Дедиларким, гам емангиз. Хожа Аҳрор мени сизга йибордилар. Дедиларким, биз аларга истионат тегуруб подшоҳлик маснадиға ўлтургузуббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назариға келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Холо ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйғонинг.

Ўшал ҳолда хушҳол бўлуб уйғондимким, Юсуф доруға ва ҳамроҳлари бир-бирига маслаҳат қиладурларким, баҳона қилиб хаял қиладур, тутуб боғламок керак.

Бу сўзни мен эшитиб дедимким, сизлар бу йўсунлук сўзларсиз, аммо кўрайинким, қайсингиз менинг қошимға кела олурсиз? Ушбу сўзнинг устида эдиким, богнинг деворидин ташқари қалин отликнинг келур овози келди. Юсуф доруға дедиким, агар биз сизни олиб Танбал қошиға борсак эди, бизнинг ишимиз илгари борур эди. Холо яна кўп киши йиборибтур, сизни тутғали. Ул яқин келдиким, бу овоз Танбалнинг йиборган кишиларининг отини товуши бўлғай. Бу сўзни эшитгач, манга изтироб кўпроғ бўлуб, қилур ишимни билмадим.

Ўшал ҳинда бу отлиқлар богнинг эшигини топарға фурсат қилмай, деворниким, эски бўлгон еридин рахна қилиб кирдилар. Кўрсамким, Қутлуғ Муҳаммад барлос ва Бобои Парғарийким, менинг жон тортқон навкарларим ўн — ўн беш, йигирма киши бўлғай, етиб келдилар. Булар ёвуқ келиб, оттин ўзларини ташлаб, йироғдин юкунуб таъзим қилиб, менинг оёғимға йиқилдилар. Ўшал ҳолда манга андоқ ҳолат бўлдиким, гўё манга янги боштин худой жон берди. Мен дедимким, ул Юсуф доруғани ва бу турғон муздур мардакларни тутуб боғланг. Ўшал мардаклар қоча бериб эдиким, бир ерда бировни тутуб боглаб келтурдилар.

Мен дедимким, сизлар қайдин келасиз, нечук хабар топдингиз.

Қутлук Муҳаммад барлос дедиким, Ахсидин қочиб чиқғанда сиздин айрила тушганда Андижон келдимким, хонлар ҳам Андижон келибтурлар. Мен туш кўрдумким, Хожа Убайдулло дедиларким, Бобур подшоҳ Карнон деган кенттадур, бориб ани олиб келингким, подшоҳлик маснади анга тааллук бўлубтур. Мен бу тушни кўруб, хушҳол бўлуб, улуғ хон, кичик хонға арз қилдим, хонларға дедимким, менинг бешолти ини-ўғлум бор, яна бир неча йигит кўшунгиз, Карнон тарафидин бориб хабар олайн.



*Бобурнинг душман қуршовида қолиши*

Хонлар дедиларким, бизнинг хотиримизга ҳам етадурким, ўшал йўлга борғон бўлғой. Ўн киши тайин қилдилар, дедиларким, ўшал сари бориб, хўб таҳқиқ қилиб, хабар олинг, борингким, зоҳиран хабар топқайсиз. Ўшул сўзда эдукким, Бобои Парғарий дедиким, мен ҳам бориб истармен, ул ҳам икки йигит иниси билан иттифоқ қилиб отландук. Бу кун уч кундурким йўл келабиз. Алҳамдулиллоҳ сизни топтук, дедилар. Айттиларким, юрунг, отланинг, бу боғланганларни ҳам олиб боралинг; мунда турмоқ яхши эмастур. Танбал сизни мунда келган хабарингизни топибтур. Ҳар тавр қилиб бориб, хонларга қўшулалинг. Ўшал замон отланиб, Андижон тарафига юруй бердук.

Икки кун бўлуб эрдиким, ҳеч таом емайдур эдим. Намози пешин бўлуб эдиким, бир қўйни топиб келиб, бир ерда тушуб, ўлтуруб, кабоб қилдилар. Ўшал кабобдан тўйғунча едим. Андин сўнгра отланиб беш кунлук йўлни икки кеча ва кундуз илғор қилиб келиб, Андижонга кириб улуг хон додам ва кичик додамни кўрунуш қилдим ва ўткан кунларни тамом баён қилдим. Хонлар билан тўрт ой бирга бўлинди.

Ҳар ерда борғон-кўрган навкарларим йиғилдилар. Уч юздин кўпрак киши бор эди. Хотиримга келдиким, тоқай бу Фарғона вилоятида сарғардон бўлуб турмоқ керак, бир тарафга талаб қилойин деб.

Султон Ҳусайн мирзо Қундуз устига келганда Умаршайх мирзо ўгли Жаҳонгир мирзони Андижон черики била кўмак йиборганда Жаҳонгир мирзога номзод бўлиб эди. Тарих тўққуз юз ўнда Аму дарёси ёқасида Боқи Чағониёний манга келиб мулозамат қилди. Бу бегим билан Тирмизта эдилар. Булар ҳам Боқи Чағониёнийнинг кўчи била келиб қўшулдилар.

(«Бобурнома», 87- бет)



Султон Ҳусайн Мирзо (1469—1506).  
(Беҳзод расми)



*Бобурнинг Андижон атрофидаги жанглари*

Одинапур кўрғонининг олдида, жанубий тарафида бир баландида тарихи тўккуз юз ўн тўртта бир чаҳорбоғ солдим. Боғи Вафоға мавсум, рудка мушриф, руд кўрғон била боғнинг орасидадур, норунжи ва турунжи ва анори бисёр бўлур. Паҳор хонни босиб Лоҳур ва Диболпурни фатҳ қилғон йили қила келтуруб, эктуруб эдим, сабз бўлуб эди. Андин бурунғи йили найшакар дағи экиб эдилар, яхши найшакарлар бўлуб эди. Бадахшон ва Бухороға ул найшакарлардин йиборилиб эрди. Ери муртафиъ, оқар суйи муттасил, ҳавоси қишлар муътадил, боғнинг ўртасида бир кичикрок пушта воқиъ бўлубтур, бир тегирмон суйи бу боғнинг ўртасидан ва боғнинг ичидағи пуштанинг устидин ҳамиша жорийдур. Боғ ўртасидағи чорчаман бу пуштанинг устида воқиъ булубтур. Боғнинг ғарби жанубий тарафида даҳи дардах ҳавзедур, атрофи тамом норунж дарахтларидур, анор дарахтлари ҳам бор. Бу ҳавзнинг гирдогирди тамом себаргазордур. Бу боғнинг айн ери ушбудур. Норунжлар сарғарғон маҳалда бисёр яхши кўрунур, хили яхши боғ воқих бўлубтур.

*(«Бобурнома», 190- бет)*

Бу чашманинг атрофини мен санг-корлик қилдурдим. Чашмани ганч ва соружа билан дардах қилдурдум. Бу чашманинг чор ҳади сиёклик, гўниялик тахти бўлди, тамом арғувонзорға мушриф, арғувон гули очилган маҳалда мунча ер маълум эмаским, оламда бўлғай. Сарик арғувони ҳам бисёр бўлур. Сарик арғувон била қизил арғувон доманада дарҳам очилур. Бу чашманинг ғарби-жанубий тарафида бир дарадин ҳамиша ярим тегирмон суви жорийдур. Бу сувни мен арик қаздуруб, дашти Сеёроннинг ғарби-жануб тарафидаги пуштанинг устига келтуртtum. Пуштанинг устида уруғ гирд суфа солдурдум. Суфанинг гирдида тамом тол дарахтлари экилди. Хили яхши манзил бўлди. Бу суфадин, юқорироқ пуштанинг ёнида узум боғи солдурдум. Бу ариқни тарихи «жўйи хуш» топилди.



Барча бегимлар, Поянда Султонбегим, менинг аммам Хадичабегим, Офокбегим, Яна Султон Абусаид мирзонинг қизлари амма бегимлар барча Султон Ҳусайн мирзонинг мадрасасида йиғилдилар. Барча бегимлар мирзонинг мақбарасида эдиларким, бориб кўрдum. Аввал Поянда Султонбегим била юкунуб кўруштum, андин сўнг Офокбегим била юкунмай кўруштum, андин кейин Хадичабегим била юкунуб кўруштum. Бир замон мунда ўлтуруб хофизлар куръон ўқуғондин сўнг жанубий мадрасадаким, Хадичабегимнинг уйини тикиб эдилар, бордук. Хадичабегимнинг ошини торттилар. Ош тортилгондин кейин Поянда Султонбегимнинг уйига бордим. Ул кеча анда бўлдum, аввал манга Боғи Навда юрт тайин қилиб эдилар. Тонгласи келиб Боғи Навда туштum. Боғи Навда бир кеча бўлдum, ани муносиб кўрмай, Алишербекнинг уйларини тайин қилдилар. Ҳиридин чиққунча Алишербекнинг уйларида эдим.

(«Бобурнома», 252- бет)


Йигирма кунким, Ҳирида эдим, ҳар кунда кўрмаган ерларни отланиб сайр қилур эдим... Алишербекнинг ўлтурур уйлариким,



*Улуғбек Мирзонинг Исталифдаги «Боғи калон» номли оромгоҳининг Бобур томонидан обод этилиши манзараси*



*Бобурнинг Кобул атрофидаги Хожа Сеёрон чашмаси атрофига тош ётқизиши ва «Жўйи хуш» номли ариғнинг бунёд этилиши манзараси*



«Унсия» дерлар, мақбара ва масжиди жомийниким, «Қудсия» дерлар, мадрасаси ва хонақоҳиниким «Халосия» ва «Ихлосия» дерлар, ҳаммом ва дорушшифосиниким «Сафоия» ва «Шифоия» дерлар, барини андак фурсатта сайр қилдим.

(«Бобурнома», 255-бет)

Алишербек назари йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур, беши «Хамса» жавобида, яна бир «Мантиқут-тайр» вазнида «Лисонут-тайр» отлиқ. Тўрт

*Алишер Навоийнинг Адабиёт музейи биноси олдидаги ҳайкали*

ғазалиёт девони тартиб қилибтур: «Ғаройибус-сиғар», «Наводи-руш-шабоб», «Бадойиул-васат», «Фавоидул-кибар» отлик. Яхши рубоиёти ҳам бор. Яна баъзи мусаннафоти борким, бу мазкур бўлғонларға боқа пастрок ва сустрок воқиъ бўлубтур. Ул жумладин иншоларини Мавлоно Абдуррахмон Жомийға таклид қилиб жамъ қилибтур. Ҳосили калом, ҳар кимга ҳар иш учун хатким битибтур, йиғиштурубтур. Яна «Мизонул-авзон» отлик аруз битибтур, бисёр мадхулдур<sup>1</sup>. Йигирма тўрт рубоий вазнида тўрт вазнда ғалат қилибтур. Баъзи бухурнинг авзонида ҳам янгилибтур, арузға мутаважжих бўлғон кишиға маълум бўлғусидур. Форсий девон ҳам тартиб қилибтур. Форсий назмда «Фоний» тахаллус қилибтур, баъзи абёти ёмон эмастур, вале аксар сушт ва фурудтур. Яна мусиқада яхши нималар боғлабтур. Яхши нақшлар ва яхши пешравлари бордур.

Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбияти ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирида бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай.

(«Бобурнома», 233- бет)

Ушбу йилнинг охирида (913 йил) сешанба кечаси зулқаъда ойининг тўртида офтоб Хут буржида эди, Кобулнинг аркида Ҳумоюн му тавваллид бўлди. Тарихи валодатини Мавлоно Сайидий шоир Султон «Ҳумоюнхон» топиб эди. Кобул шоирчаларидан биров, «Шоҳи феруз кадр» топиб эди, уч-тўрт кундин сўнг Ҳумоюн исми била мавсум бўлди. Ҳумоюннинг валодатидин беш-олти кундин сўнг чорбокқа чиқиб, Ҳумоюн валодатининг тўйи бўлди. Бек ва



*Бобурнинг Алишанг тоғида кийик овлаши*

<sup>1</sup> Бобур «Мезонул-авзон» қўлёзмасининг сакта нусхасидан фойдаланган кўринади.

беғот улуг — кичик сочик келтурдилар, қалин оқ танга ўқулди, олдин бурун онча қалин оқ ёрмоқни бир ерда кўрулмайдур эди, хили яхши тўй бўлди.

(«Бобурнома», 279- бет)

Шанба куни (1519 йил) Алишанг била оралиғидағи тоғни овладук. Бир тарафдин Алангорлик, яна бир тарафдин Алишанглик чарга қилиб, тоғдин кийикни индурдилар. Хили кийик ўлди. Овдин ёниб, Алангорда маликларнинг боғига тушуб, суҳбат тутулди. Илгариги тишимнинг ярми синиб, ярими қолиб эди, бугун таом ейдурганда қолғон ярими ҳам синди. Сабоҳи отланиб, балиққа тўр солдурдук. Туш бор эдиким, Алишангга бориб, боғда ичилди. Тонгласи Ҳамзахон Алишангнинг маликинингким, ёмон ишлар қилиб, ноҳақ қонлар тўқур эди, қонлиқлариға топшурулди, қасосға еткурдилар.

Сешанба куни бирд ўқуб, Ёнбулоқ йўли била Қобулға мурожаат қилдук. Намози дигар Алғанудин сув кечиб, намози шом Қорабуға келиб, отқа бўғуз бериб, моҳазаре ҳозир қилдилар, от арпасини тугатгач, отландук.

(«Бобурнома», 320- бет)

Чандирий тавре вилоят вокиъ бўлубтур. Атроф ва навоҳийсида оқар сув хили бор. Арки тоғнинг устида тушубтур ичида тошдин улуг ҳавз қозибтурлар. Яна бир улуг ҳавз ушбу дутаҳида эдиким, ўшул ердин зўрлаб олилди. Вазир ва шарифнинг иморати тамом тошдин, улугларининг иморатларини такаллуф била тарошида тошдин қилибтурлар. Оградин Чандирий жанубга боқа тўқсон курух йўлдур.

(«Бобурнома», 407- бет)

Юртқа етганда кемаларга от кўюлди. Бурунғи бойри улуг кемагаким, Ограда Санго ғазвидин бурунрок тамом бўлуб эди, «Осойиш» от кўюлди. Ушбу йил черик отланурдин бурунрок Оро-



Бобурнинг «Осойиш», «Оройиш», «Гунжойиш» ва «Фармойиш» номли қайиқлари

Йишхон бир кема ясатиб пешкаш қилди. Ушбу келурда анга ҳам толор боғлатим. Бу кемага «Оройиш» от қўюлди. Султон Жалолиддин тортқон кемага улуғроқ толор қилдуруб, бу толорнинг устида яна бир толор буюрулди, мунга «Гунжойиш» от қўюлди. Яна бир кичик жавкандилиқ завраққаким, ҳар иш-куч учун ани йиборулур эди, бу завраққа «Фармойиш» от қўюлди.

(«Бобурнома», 438- бет )



Шанба куни (1528 йил), Исмоил Матоким, Бангола элчиси эди, Банголийнинг пешкашларин келтуруб, Ҳиндустон дастури била мулозамат қилди. Бир газ отими ер келиб, таъзим қилиб ёнди. Мўътодий хилъатким, сермўйна дерлар, кийдуруб келтурдилар. Бизнинг дастур била уч юкунуб келиб, Нусратшоҳнинг арзадоштини берди. Келтурган пешкашларни ўтқариб, мурожаат қилди.

(«Бобурнома», 428- бет )

Даврон мени ўткарди сару сомондин,  
Айирди бир йўли мени хонумонимдин.  
Гаҳ бошима тож, гаҳ балойи таъна,  
Неларки бошимға келмади даврондин.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг номи Ўзбекистондагина эмас, балки узоқ хорижий мамлакатларда ҳам эҳтиром билан тилга олинади. Унинг оҳангдор ва ҳаётий шеърояти ўзбек халқининг маданий ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган. Ўз она



*Заҳриддин Муҳаммад Бобур  
ҳаёти ва ижодига бағишлан-  
ган хона. (Алишер Навоий но-  
мидаги Адабиёт музейи)*

ватанини беҳад севувчи, инсондаги энг яхши хислатларни куйловчи улуғ шоиримизнинг бой адабий мероси халқимизнинг маънавий дунёсини янада бойитади ва авлодлар тарбиясига ҳозирги кунимизда ҳам ўзининг беқиёс улушини қўшиб келмоқда. Юқорида биз кўриб турган хона шоирнинг ҳаёти ва ижодий йўлини ёритишга бағишланган махсус хонадир. Унда Бобур ҳаётида рўй берган унутилмас ҳодиса ва ажойиб воқеалар, буюк кишиларнинг шоир ҳақида айтган қимматли фикрлари, Бобур асарлари қўлёзмалари ва ҳозирги даврдаги нашрлари, рассомларнинг нодир ишлари намойиш қилинган. Хона марказида эса, Бобурнинг улуғ шоир ва нозик дид соҳиби ва дилбар шахслигини ёрқин кўрсатиб турувчи улкан ҳайкали қад кўтариб турибди. Бу ҳайкал орқали ўқувчи хассос шоир, олим ва давлат арбоби қиёфасини ёрқин тасаввур қила олади.

Бобур Самарқандни иккинчи марта олганида энди шеър ёзишга киришган эди. Унинг ўзи бу ҳақда Биноий билан унинг ўртасида бўлиб ўтган бир мушоирани эслаб шундай деб ёзади:

«Мен иккинчи навбат Самарқандни олғонда Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғавғо бўлди... Ул фурсатларда бирар, иккирар байт айтур эдим. Вале ғазал тугатмайдур эдим. Биргина туркий рубоий айтиб йибордим:

Ишлар бори кўнлунгдагидек бўлғусидур,  
Инъому вазифа бори буйрулғусидур.  
Ул ғаллау муҳмалки деб эрдинг, бердим,  
Муҳмалға бўю ғалладин уй тўлғусидур.



*Бобурнинг 500 йиллигига ишланган расмлар  
(Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи)*


Андин бериким қасдим учун турди фирок,  
Юз дарду аламни манга еткурди фирок.  
Мени эшигиндин, нетайин сурди фирок,  
Қил чора, йўқ эса мени ўлтурди фирок.

Бизга қурбон ийди Шохруҳияда бўлди. Бетаваққуф ўтуб, хон қошига Тошкандга бордим. Бу рубоийни айтиб эдим, маъмул кофиясида тараддудим бор эди, ул маҳалда шеър мусталаҳотиға мунча татабуъ қилмайдур эдим, хон хуштабъ киши эди, шеър айтур эди, агарчи сару сомонлиқ газали камроқ эди, бу рубоийни хонға ўтқариб, тараддудимни арз қилдим. Қўнгул тинғудек шофий жавоб топмадим. Голибо шеър мусталаҳотиға камроқ татабуъ қилғондурлар. Рубоий будур:

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатта киши,  
Шод этмас эмиш қўнгулни гурбатта киши.  
Қўнглум бу ғарибликта шод ўлмади ҳеч,  
Гурбатта севунмас эмиш, албатта, киши.

Сўнгра маълум бўлдиким, туркий лафзида маҳал иқтизоси било то ва дол, яна ғайн ва коф ва гоф бир-бирлари билан мубаддал бўлурлар эмиш.

*(«Бобурнома», 156- бет)*



Шафиқа Ёрқин томонидан нашр  
этилган Бобур девонининг унвони.  
Кобул. 1983 й.



С. Азимжонова нашрининг сурати

Бобурнинг биринчи тугал ғазали унинг Тошкентга хон олдида келган пайтларига тўғри келади. Қуйидаги унинг «Топмадим» радифли ғазали Сомсийрак (Пскент атрофи) ноҳиясидаги Турок чорбоғида сарсон-саргардонликда юрган кезларида ёзилган:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим,  
Жонимдин ўзга жонни дилафкор кўрмадим,  
Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.  
Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,  
Харгиз бу телбани яна ҳушёр топмадим,  
Ночор, фуркати била хўй этмишам, нетай,  
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.  
Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,  
Нечаки бориб эшигига бор топмадим.  
Бобур ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен,  
Истаб жахонни мунча килиб ёр топмадим.

Шунидамки, Жамшеди фаррух сиришт,  
Ба сарчашмаёе бар санге навишт:  
Барин чашма чун мо базе дам заданд,  
Бирафтанд то чашм барҳам заданд.  
Гирифтем олам ба мардию зўр,  
Ва лек набурдем боҳуд бағўр.

Таржимаси:

Эшиттимки, кутлук табиатли Жамшид  
Бир булоғ бошида тош устига шундай  
деб ёзган экан:  
Бу булоғ тепасида бизлар синғари кўплар дам олдилар.  
Кеттилар ва йўк бўлдилар,  
Оламни мардлик ва зўрлик билан олдик,  
Лекин ўзимиз билан гўрга элтмадик.

Бу Оббурдандин қуйроқ бир  
чашма тушубтур. Бу чашма бо-  
шида мазорадур. Ушбу чашма-  
дин юқкори Масчо дохилидур.  
Қуйи Палғарға тааллукдур. Уш-  
бу чашма бошида, чашма ёқаси-  
дағи тошида казиб, бу уч байтни  
сабт эттим:

Такаллуф ҳар неча сурат тутулса андин  
ортуксен,  
Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин  
ортуксен.



این سنگ نبشته بخط بابری در حدود سه صد متری جنوب غربی  
قریه آب بردن مزار بین فلغ و متجه تاجکستان نزدیک چشمه سار سرخ  
از زیر زمین بدست آمده است .

*Бобурнинг тошга ўйиб ёзган шеъри*


Бу байтни Бобур Масчода  
эканида шоир Мулла Ҳажрий-  
нинг Ҳисордан келганлиги муно-  
сабати билан ёзиб, уни ғазал  
шаклига кейинчалик келтирган.

(1501—1502- йиллар)

Борон ва Чоштуба ва Гулба-  
ҳор доманаси сайриға бордук.  
Баҳорлар Борон ёзиси ва Чошту-  
ба дашти ва Гулбаҳор доманаси  
бисёр хўб бўлур. Сабзаси Кобул  
вилоятининг ўзга ерлариға боқа,  
хили яхши бўлур, турлук-турлук  
лолалар очилур, бир қатла лола  
анвоини буюрдумким санадилар.  
Ўттуз тўрт навъ лола чиқти,



*Шеърхонлик*



*Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи.  
(Бобурнинг мисга ишланган расми)*

нечукким бу ерларни таърифида  
бир байте айтилиб эди:

Сабзау гуллар била жаннат бўлур Кобул  
баҳор,  
Хосса бу мавсумда Борон ёзисию Гул-  
баҳор.

\* \* \*

Ушбу сайр келганда бу ға-  
зални тугаттим.

Менинг кўнглумки гулнинг гунчасидек тах-  
батаҳ кондур,  
Агар юз минг баҳор ўлса очилмоги не  
имкондур.

(«Бобурнома», 265- бет, 1506—1507 йиллар)



*Бобурнинг керамикага ишланган  
расми*

1501—1502 йил воқеаларида эса,  
Бобур Султон Ҳусайн Бойқаро мада-  
дидан ва мурувватидан кўз юмгач,  
хафа бўлиб қуйидаги байтни ёзади:

Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин  
яхшилиқ,  
Қимки андин яхши йўқ, кўз тутма андин  
яхшилиқ.

(«Бобурнома», 138- бет)

1506—1507 йилларда Хуросон-  
да Кобул томон йўл юруб, совуқ киш  
азобини чекиб қуйидаги байтни  
ёзади:

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдим,  
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдим?

(«Бобурнома», 256- бет)

Чинор боғининг эшигида солғон суратхонанинг шарқи-жануб сари ёнида кичикроқ оққина уй тикилиб эди, гоҳи анда ўлтурар эдим, анда мажлис бўлди. Сўнгра Ғиёс масхара келди, неча қатла мажлисдан мутояба тариқи била буюрулдим, ихрож қилдилар. Охир шалойин бўлуб, масхаралиқ била мажлисқа йўл топти. Турди Муҳаммад қипчоқ била мулло Қитобдорни ҳам мажлисқа тиладук. Шоҳ Ҳасанга ва уйидағи мажлис аҳлига бу рубойини бадиҳатан айтиб йиборилди:

Аҳбобки базмида гулистон ҳуснутур,  
Йўқ лек алар базмида бизга дастур.

Ул жамъда гар хузури жамъият бор,  
Юз шукр бу жамъ беҳузур эмастур.

(«Бобурнома», 303- бет, 1518 йил)


Ҳофиз Мир котибнинг оға-иниси Самарқандтин келиб эрди, бу фурсатта Самарқандга рухсат бериб, Фўлод султонга девонимни йибордим. Девоннинг орқасида бугина китъани битидим:

Ул сарвнинг харимиға гар етсанг, эй сабо,  
Бергил бу ҳажр хастасидин ёд кўнглиға,  
Раҳм айлабон соғинмади Бобурни бор умид  
Солгай худой раҳмни Фўлод кўнглиға.

(«Бобурнома», 304- бет, 1517 йил)

Эй аларким, бу Ҳинд кишваридин  
Бордингиз англаб ўзга ранжу алам,  
Кобулу хуш ҳавосини соғиниб,  
Ҳинддин гарм бордингиз ул дам,  
Кўрдингиз, топтингиз экин анда  
Ишрату айш бирла нозу ниам.  
Биз дағи ўлмадук бихамдиллох,  
Гарчи кўп ранж эдию ғам.  
Ҳаззи нафсийю машаққати баданий,  
Сиздин ўтти ва ўтти биздин ҳам.

Хожа Қалон чун хинддин  
мутанаффир эди, борурида  
уйининг иморатларининг то-  
мида бу байтни битибтурким:




Агар бахайру саломат гузар зи Синд  
кунам,  
Сиёҳ рўй шавам, гар ҳавойи Ҳинд  
кунам.

Деҳли. Лаъл қалъа

## Таржимаси:

Агар соғ-саломат Синддин ўтсам  
Ҳиндистонни яна ҳавас килсам юзум қаро бўлсин.

Биз Ҳиндистонда туруб, мундоқ зарофатомуз байт айтмоқ ва битмоқ бесураттур. Кетмакдин бир кудурат бўлса, бу навъ зарофаттин икки кудураттур. Мен дағи бадихада бир рубоий айтиб, битиб йибордим:



Юз шукур де, Бобурки, кариму гаффор,  
Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр,  
Иссиқлиғиға гар санга йўктур тоқат,  
Совук юзини кўрай десанг Ғазний бор.

(«Бобурнома», 365- бет, 1525 йил)

Деҳли. Лаъл қалъа

## ҲУМОЮН

(1508.6.9—1556.27.1) — Бобурийлар сулоласи ҳукмдори (1530—40, 1555—56). 1530 йили Ҳумоюн отаси Бобурнинг Ҳиндистондаги мулкларига эга бўлди. Секин-аста Гужарот, Ражпутан, Малвани ўз давлатига қўшиб олди. Лекин ўсиб бораётган ички феодал низолар ва укалари Мирзо Комрон (Кобул ҳокими), Мирзо Феруз (Панжоб ва Ҳисор ҳокими), Мирзо Аскарӣ (Санбҳал ҳокими) ва Мирзо Ҳиндол (Меват ҳокими)-ларнинг мустақилликка интилишлари империяни заифлаштирди. Бундан фойдаланган Сурийлар сулоласидан Шершоҳ Сурий Чаусаш (1539) ва Қановуж ш. (1540) яқинда Ҳумоюн қўшинини енгиб, Деҳлини эгаллади. Ҳумоюн Эронга қочиб ўтди. Эроннинг ҳарбий ёрдами билан Афғонистонни ўз тасарруфига олди. 1555 йилга келиб эса Деҳлида қайта тахтга чикди. Ҳумоюн Ҳиндистонда бир неча маъмурий ислохотлар ўтказди. Унинг даврида Мир Саид Аля бошчилигида Ҳиндистонда миниатюра мактаби юзага келди. Ҳумоюн форс ва туркий тилларда шеърлар ёзган.

(Ўзбек қомуси, 470- бет)

«Ҳумоюнга муштоқликлар била соғиниб салом дегач, сўз улким душанба куни рабиул-аввал ойининг ўнида Беккина била Баёншайх келдилар. Хатлардин ва арзадоштлардин ул юздаги, бу юздаги кайфият ва ҳолат мушаххас ва маълум бўлди.

Шукр, бермиш санга ҳақ фарзанде,  
Санга фарзанду, манга дилбанде.

Тенгри таоло мундоқ севинчларни манга ва санга ҳамиша рўзи қилғай, омин ё раббул-оламин. Отини Алъамон қўймишсен. Тенгри муборак қилғай. Вале бовужудким, ўзунг битибсен, мундин ғофил бўлурсенким, касрати истиъмол била авом Аламо дерлар, ё Эл-Амон дерлар, ўзга мундоқ алиф-лом отта кам бўлур. Тенгри отини ва зотини фархунда ва муборак қилғай, манга ва санга кўп йиллар ва бисёр қарнлар Алъамонни давлат ва саодат била тута бергай.

Тенгри таоло ўз фазл ва карами била бизнинг ишимизни ясайдур. Мундоқ копу қарнларда топилмас. Яна сешанба куни ойнинг ўн бирида арожиғ хабар келдиким, Балх эли Қурбонни тилаб Балхқа кюрмишлар.

Яна Комронға, Қобулдағи бекларга фармон бўлдиким, бориб, санга қўшулуб, Ҳисор ё Самарқанд ё ҳар сориғаким салоҳи давлат бўлса, юругайсиз. Тангрининг инояти билан ёғиларни босиб, вилоятларни олиб, дўстларни шод, душманларни нигунсор қилғайсиз, иншооллоҳу таоло. Сизларнинг жон тортиб, қилич чопмоқ маҳалларингиздур. Қопуда келган ишни тақсир қилмангиз. Гаронжонлик била қоҳиллик подшоҳлик била рост келмас.

Жаҳонгире таваккуф бар наёбад,  
Жаҳон онро бувад кў беҳ шитобада,

Ҳама чизе зи рўй калхудои,  
Сукун меёбад илло подшоҳй.

Агар тангри инояти била Балх ва Ҳисор вилояти муяссар ва мусаххар бўлса, Ҳисорда сенинг кишинг бўлсун, Балхта Комроннинг кишиси бўлсун. Агар тенгри инояти била Самарқанд ҳам мусаххар бўлса, Самарқандта сен ўлтурғил, Ҳисор вилоятини иншооллоҳ холиса қилғумдур. Агар Комрон Балхни озирғанса, арзадошт қилинг, иншооллоҳ анинг қувурини ўшаб вилоятлардин ўк рост қилғумиздур. Яна сен ўзинг билур эдингким, доим бу қоида маръий эди: олти ҳисса санга бўлса, беш ҳисса Комронға бўлур эди. Ҳамиша бу қоидани маръий тутуб, мундин тажовуз қилманг. Яна ининг била яхши маош қилғайсан. Улуқлар кўтаримлик керак, умидим борки, сен ҳам яхши ихтилот қилғайсан. Анинг ҳам муташарриъ ва яхши йигит кўюбтур, ул ҳам мулозамат ва якжихатлиқта тақсир қилмағай.

Яна сендин озроқ гинам бор, бу икки-уч йилдин бери бир кишинг келмади. Мен йиборган киши ҳам рост бир йилдин сўнгра келди. Мундоқ бўлурму?

Яна хатларингда ёлғузлук, ёлғузлукким, дебсен, подшоҳликта айбдур, нечукким дебтурлар:

Агар пой банди ризо пеш гир,  
Вагар яксувори сари хеш гир.

Ҳеч қайда подшоҳлик қайдича йўқтур. Подшоҳлик била ёлғузлук рост келмас. Яна мен дегандек, бу хатларингни битибсен ва ўкумайсен, не учунким, агар ўқур хаёл қилсанг эди, ўқуй олмас эдинг. Ўқуй олмагандин сўнг албатта тағйир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқуса бўладур, вале асру муғлактур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи хили рост эмас, илтифотни «то» била битибсен. Қулунжни «ё» била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур. Ғолибо хат битирда қоҳиллигинг ҳам ушбу жиҳаттиндур. Такаллуф қилай дейсан, ул жиҳаттин муглақ бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити; ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғучига.

Яна улук иш устига борасен, иш кўрган, раъй ва тадбирлик беклар била кенгашиб, аларнинг сўзи била амал қилгайсен.

Агар менинг ризомни тиларсен, хилватнишинликни ва эл била кам ихтилотликни бартараф қилғил. Кунда икки инингни ва бекларни ихтиёрлариға қўймай, қошингга чорлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўз унга қарор бергайсен.


Яна Хожа Қалон менинг била гусохона ихтилот қила ўрганиб эди, сен доғи, нечукким Хожа Қалон била ихтилот қилур эдим, ўшундоқ ихтилот қилгайсен. Тенгри инояти била ул сорилар иш озроқ бўлса, Комронға эҳтиёж бўлмаса, Комрон Балхға мазбут кишиларни қўюб, ўзи менинг қошимга келсун.

Яна мунча фатҳ ва зафарлар Кобулда эканда бўлди, Қобулни шугун тутубтурмен, ани холиса қилдим. Ҳеч қайсингиз тамаъ қилмағайсиз.

Яна яхши борибсен, Султон Вайсинг кўнглини олибсен, ани қошингга келтуруб, анинг раъйи била амал қилгайсенким, иш билур кишидур. Черикни яхши йигиб юргайсен. Оғиз сўзларидин Баёншайх соҳиб вуқуфдур, маълум бўлғусидур, деб муштокликлар била салом. Панжшанба куни рабиул-аввал ойининг ўн учида битилди».

(«Бобурнома», 420—422- бетлар, 1528 йил)

Муҳаммад Тоҳир бин Қосим  
Матолибийнинг «Ажойибут-  
табақот» китобида келтирил-  
ган «Бобурий хатти» шакли



Бадаюнӣнинг «Мунтахаб ут-таворих» асарида Бобурнинг шу хат билан қуръонни кўчиртириб Маккаи муаззамага оқ фотиҳа олиш учун юборилганлиги хабар қилинади. (78 в)

\* \* \*

Муҳаммад Тоҳир бин Қосим Матолибийнинг «Ажойиб ут-табақот» китобида юқоридаги «Бобурий хатти»нинг 29 ҳарфдан иборат шакли келтирилган.

\* \* \*

Жаваҳарлал Неру Бобурнинг бу ихтироси ҳақида «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобида шундай деб ёзади:

«Бобур жасур киши эди, у ўз замондошларига араб алифбоси ўрнига янги алифбони ҳам такдим этди. Унинг бу ихтироси ўрта аср шароитида тараққиёт йўлида қўйилган илдам ва шижоатона қадам ҳисобланмоғи керак. (Шафиқа Ёрқин. Заҳириддин Муҳаммад Бобур девони, Кобул, 1983, 54-бет)

#### «ХАТТИ БОБУРИЙ»

(Бобур хати) — Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1503—04 йилларда яратган алифбо. 29 ҳарфдан иборат: араб алифбосининг ислоҳ қилинган, туркий тилларга мослаштирилган шакли. У ҳақдаги маълумотлар Бобурнинг «Бобурнома», Низомиддин Аҳмад Хиротийнинг «Табақоти Акбарий», Абдулқодир Бадовунӣнинг «Мунтахаб ут-таворих» ва бошқаларнинг асарлари орқали етиб келган.

Бобур ўз алифбоси тартибини амалда татбиқ қилишга кўп ҳаракат қилган. «Бобурнома»да келтирилган парчалар, хусусан,

ўғиллари Ҳиндол ва Комронга ёзилган қитъалар, хатлар шундан далолат беради. Лекин алифбоси амалда жорий қилинмаган.

(Ўзбек қомуси, 296- бет)

«Бобурий хатти» тўғрисида олимнинг ўзи шундай дейди:

«Ҳумоюннинг ўғли бўлғоннинг таҳниятига ва Комроннинг қадхудолиғининг таҳниятига Мирзойи Табрезийни ва Мирзобек тағойини ўнг минг шоҳрухий сочиқ била йиборилди. Ўзум кийган тўн ва боғлағон камар ҳар икки мирзога йиборилди. Мулло Биҳиштийдин Ҳиндолга мурассаъ камар ва ханжар ва мурассаъ давот ва садафкорлик сандали ва кийган нимча ва тағбанд ва «Бобурий хатти»нинг муфрадотини йиборилди. Яна «Бобурий хатти» била битилган қитъалар йиборилди. Ҳумоюн таржиманиким, Ҳиндистонга келган айтқон ашъорни йиборилди. Ҳиндолга ва Хожа Қалонга ҳам таржима ва ашъор йиборилди. Мирбек тағойидин ҳам Комронга таржима ва Ҳиндқа келгани айтқон ашъор ва «Бобурий хатти» била битилган сархатлар йиборилди.

(«Бобурнома», 428—429- бетлар)

Одина куни зил-ҳижжа ойининг иккисида қирқ бир қатла ўқув вирдни бунёд қилдим. Ушбу айёмда бу байтимни:

Қўзу кошу сўзу тилиниму дей,  
Қадду, хадду сочу белиниму дей  
беш юз тўрт вазнда тактиъ қилдим.  
Бу жиҳатдан рисола тартиб берилди.

(«Бобурнома», 401- бет)



Бобуршоҳнинг XVIII аср-  
да чизилган расми



Бобур ихтиро қилган доира

|                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p>اینه جماعت کبر بخانه ی لار<br/>         میل غریبه لود و کرکوز شنه<br/>         دطیف ده پنجه کرلو کشفی</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                          | <p>بزم زکاة اولو کسده ارفقه کر<br/>         کون کچر کار عیادت شنه<br/>         مستحق زکاة بیگلرانی</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |
| <p>زکاة بمران بخت</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 | <p>ابرک کیشوفیانی</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| <p>جائز ابرک کچیشنه زکاة<br/>         برکی اهل اولو کسده برنوع<br/>         شمع ویرملینی اتا و<br/>         اتا نیک اریسین امارناسین<br/>         کر نسب بارسه نجه یولوشه<br/>         قیس و شمع اوجده ویریک<br/>         بونب بارسه یوفده برچرند<br/>         ابرک خاتون دایمکی خاتون<br/>         کیم کرکی زکاة حق یولوشه<br/>         باغرو شمع وینه لاری<br/>         کوزایمکا زکاة اکیس جائز</p> | <p>ایاتین برچیشنه بربر آت<br/>         قوت قولاقا سیکرلر اولور شمع<br/>         برنجی یولوشه بارسه یا<br/>         قین قیس کرکشت ویرلر باره<br/>         جائز ابرک زکاة اولو باره<br/>         اوغلان قیدور وینه دایمکی<br/>         جائز ابرک ماس وودچ باره<br/>         برماسون دایمکا واولوشه<br/>         برسه جائز کیم سوزا وقلینه<br/>         آکوشو زکاة اوکشیوکی<br/>         اوکشیو زکاة برماکشیو</p> |

Панжшанба куни рабиул-охир ойининг тўртида мундоқ муқаррар бўлдики, Оградин Қобулғача Чакмоқбек Шохий тамғочининг нависандалиғи била таноб урғай. Ҳар тўққиз куруҳда манор қўпорғайларким, миноранинг баландлиғи ўн икки қари бўлғай. Устида бир чодрада қўпорғайлар. Ҳар ўн саккиз куруҳда олти ём оти болағайлар. Ёмчи ва сайисга улуфа ва отларга алиқ таъйин бўлғай. Андоқ фармон бўлдимки, бу ём оти боғлатур ер агар бир ҳолисага ёвуқ бўлса, бу мазкур бўлғонларни андин саранжом қилсунлар, йўқ эрса, ҳар бекнинг парганасига воқий бўлса, анинг уҳдасида қолсунлар. Ушбу кун Чакмоқ била Шохий Оградин чиқтилар. Бу

курухларни мил била мувофиқ тайин қилилди. Нечукким, «Мубай-йин»да мазкурдурлар:

Тўрт мингдур кадам би́ла бир мил,  
Бир курух они Ҳинд эли дер бил.  
Дедилар бир ярим қари бир кадам,

Ҳар қари билки, бордур олти тутам.  
Ҳар тутам тўрт элик, яна ҳар элик.  
Олти жав арзи бўлди бил бу билик.

(«Бобурнома», 423- бет, 1528 йил)

Бобур Хожа Аҳрорнинг «Волидия» рисоласини форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Бу ҳақда таржимон шоир шундай деб ёзади:

«Сешанба кечаси сафар ойининг йигирма еттисида (1528 й.) ҳазрат Хожа Убайдуллонинг «Волидия» рисоласини назм қилмоқ хотиримга кечти. Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб, кўнглумга кечурдумким, агар бу манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур, худ нечукким, соҳиби «Қасидаи Бурда»нинг қасидаси мақбул тушуб, ўзи афлиж маразидин халос бўлди, мен доғи бу оризадин қутулуб, назмимнинг қабулига далиле бўлғусидур. Ушбу ният била «рамали мусаддаси махбуни аруз» ва зарбгоҳи «махбуни махзуф» вазнидаким, мавлоно Абдурахмон Жомийнинг «Субҳа»си ҳам бу вазндадур, рисола назмига шуруъ қилдим, ҳам ўшал кеча ўн уч байт айтилди. Илтизом йўсунлук кунда ўн байттин камрак айтилмас эди, голибо бир кун тарк бўлди. Ўтган йил ва балки ҳар маҳал мундоқ оризаким бўлди, ақалли бир ой — қирқ кунга тортти. Тенгри инояти била, ҳазратнинг ҳимматидин, панжшанба куни ойнинг йигирма тўққузида андаке афсурда бўлди, ўзга бу оризадин халос бўлдум. Шанба куни рабиул-аввал ойининг секкизида рисола сўзларини назм қилмоғ ихтитомига етти. Бир кун эллик икки байт айтилди».

(«Бобирнома» 418-бет)

(«Бобурнома», 418-бет)

Ва Мухаммад Хумоюн Санбалғаким, анинг жойгири эрди, рухсат берилди. Олти ойгача анда эди; зоҳиран, ани ва суйи хуш ёкмади. Иситма тутар экандур, бора-бора узоққа тортар. То онки биз эшиттук, фармон берилдиким, Дехлиға келтуруб, Дехлидин кемаға солиб келтурсунларким, ҳакими ҳозиқлар кўруб, дардиға даво қилсунлар. Бир неча кунда дарё йўли билан келтурдилар ва табиблар ҳар неча дору дармон бердилар, яхши бўлмади. Мир Абулқосимким, улуғ киши эрди, арзға еткурдиким, ушмундок дардларға дармон будурким, яхши нимарсалардин тасаддуқ қилмоқ керак.



Тоинки тенгри таоло сиҳхат бергай. Менинг кўнглумға келдиким, Мухаммад Хумоюн(нинг) мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўк. Мен тасаддуқ бўлайин, худой қабул қилсун. Хожа Халифа, ўзга муқарраблардин арзға тегурдиларким, Мухаммад Хумоюн сиҳхат топар, сиз бу сўзни нечун тилингизга келтурасиз. Ғараз будурким, дунё молидин яхшисини тасаддуқ қилмоқ керак. Бас ўшал олмоским, Иброҳимни урушида тушуб эрди, Мухаммад Хумоюнға иноят қилиб эрдингиз, тасаддуқ қилмоқ керак. Тилга келдиким, дунё моли анинг ивазиға нечук бўлғай, мен анинг фидоси қилурменким, ҳол анга мушкул бўлибтур. Ва андин тутубтурким, мен анинг бетоқатлиғига тоқат келтургаймен. Ўшал ҳолатта кириб, уч қатла

Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,  
Кўздин ўчадур чу охшом бўладур.  
Ҳар иккаласи ғамим била сабримдек,  
Борғон сайи бу ортадур, ул кам бўладур

бошидин ўргулуб, дедимким, мен кўтардим ҳарне дардинг бор. Ўшал замон мен огир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сиҳхат бўлуб кўпти. Мен ноҳуш бўлуб йиқилдим. Аъёни давлат ва аркони мамлакатни чарлар, байъат қўлларини Хумоюнни кўлиға бериб, жойнишинлиғига ва валиаҳдлиғига касб қилдим. Ва тахтни анга топшурдум. Ва Хожа Халифа ва Қанбар Алибек ва Турдибек ва Ҳиндубек ва ўзга халойиқ ҳам бу насойиҳда бор эрдилар, бориси қабул қилиб, банд бўлдилар.

(«Бобурнома», 459- бет, 1529—1530 йиллар)


Мусаввиди авроқ айтадур-  
ким, тўқкиз юз ўттуз еттида  
жумодиул аввал ойини олтисида  
Чаҳорбоғидаким, ўшул подшоҳ  
ўз қўли билан обод қилиб эрди,  
холи мутағаййир бўлуб, бу олами  
бевафони пардуд қилди.

Ва фузалойи аҳдким, тарих  
ва маросий ва қасойид ва таро-  
киб айттилар, азон жумла Мав-  
лоно Шихоб муаммойи бу мис-  
рани тарих топти: «Хумоюн буд  
вориси мулки вай».

Ва маҳолдурким, ул подшоҳи қобилнинг яхшилиғларини  
айтган билан ва битиган билан тугангай. Лекин мужмал буким,  
секкиз сифати асл анинг зотиға муттасил эрди; бириси буким  
нажҳати баланд эрди; иккимчиси, ҳиммати аржуманд эрди;  
учумчиси, вилоят олмоғ; тўртумчиси, вилоят сахламоғ; бешумчиси,  
маъмурлуғ; олтимчиси, рафоҳият нияти тенгри таоло бандалариға;  
еттимчиси, черикни кўнгли (ни) қўлға олмоқ; секкизимчиси, адолат  
қилмоқ.

Ва фазилат бобида камлиғи  
йўқ эрдиким, назм ва наср ва  
туркий ва форсийни бебадал  
айтур эрди. Алал-хусус туркий  
девони бордурким, анда тоза  
мазмунлар топиб, айтибтур ва  
маснавий китоби ҳам борким, оти  
«Мубаййин»дур. Тил билур доно  
халқ орасида анингдек латойиф  
йўктур. Ва Хожа Ахрор айтган  
рисолаким, анинг оти «Волидия»-  
дур, ўшал подшоҳ назм қилиб-





*Шоҳ Жаҳон буйруғи билан  
Бобуршоҳ мақбарасининг по-  
йига қурилган масжиднинг  
умумий кўриниши*

тур. Ушбу китобким, «Бобурия»дур, Байрамхонни ўғли Мирзо-  
хонға буюрдиларким, туркийдин форсийға келтургилким, туркий  
билмоғон халойиққа осон бўлғай. Ул подшоҳ мусиқий илмидин  
ҳам хабари бор эди ва бу рубойни форсий айтиб эрдилар:

Дарвешонро агар на аз хешонем,  
Лек аз дилу жон муътақиди эшонем.

Дураст мағўй аз дарвешй,  
Шоҳем, вале банди дарвешонем.

Ва форсийда бу матлаъни ҳам айтубтурлар:

Халок мекунадам фуркати ту дониستم,  
Вагарна рафтан азин шаҳр метавонистам.

Ва бу матлаъ ҳам аларнингдур:

То базулфи сияҳаш дил бастам,  
Аз паришонии олам растам.

Ва ул подшоҳ аруз ва  
кофияға ҳам рисоалари бор  
ва ул жумладин, «Муфассал»  
деганким, ушбу фан шарҳи  
бўлғай, кўпдин-кўп яхши тас-  
ниф қилибтурлар.



*Масжиднинг пештоқи*

Ва ул подшоҳға тўрт ўғил ва уч қиз тенгри таоло каромат қилиб эрдиким, ўғлонлар: Муҳаммад Ҳумоюн подшоҳ ва Комрон Мирзо ва Мирзо Аскарӣй ва Мирзо Ҳиндол эдилар. Ва қизлар: Гулрангбегим ва Гулчеҳрабегим ва Гулбаданбегим эрдилар. Ушбу уч қиз бир онадин эрдилар.

(«Бобурнома», 460- бет)

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистоннинг бошқа ўлкаларини ҳам ўзига бўйсундирди ва Шимолий Ҳиндистоннинг Бенгалиягача бўлган қисмига ҳам ҳокимлик қилиб Ҳиндистондаги Бобурийлар империясига асос солди. Бобурнинг бошқа босқинчилардан фарқи шундаки, у мамлакатни талон-торож қилиб, уни вайрон қилишни ўзига асосий мақсад қилиб қўймади. Балки Ҳиндистонда сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ягона буюк давлатни барпо қилишга интилди. Бобур давридаёқ Агра, Деҳли каби шаҳарлар гуллаб-яшнади, мамлакатнинг ҳар томондан мавқеи ошди. Ҳиндистон билан бошқа хорижий мамлакатлар яқиндан алоқа боғлашга интилдилар. Бобур подшоҳ Русия билан алоқани мустаҳкамлашга тириклик давридаёқ каттиқ киришганлиги сир эмас. У Москвага Рус давлати билан дўстлик ва қардошлик битимини тузиш учун ўзининг яқин кишиси Ҳўжа Ҳусайнни элчи қилиб юборган эди. Бобурнинг Ҳиндистонда бошлаган хайрли ишларини унинг ўғли Ҳумоюн ва айниқса, Бобурнинг набираси Шоҳ Акбар давом эттириб, Ҳиндистон давлати янада мустаҳкамланди.


Олди кўнглумни очиб сочини ул раъно қиз,  
Солди савдойе бошимға сочидин савдо қиз.  
Ўт қўяр ақл ила дин ҳирманиға шайх ила шаб,  
Чун тараб белга берур туррасин ул тарсо қиз.

### КОМРОН МИРЗО ДЕВОНИ

Девон Маҳмуд бин Исҳоқ аш-Шаҳобӣй ал-Ҳӣравӣй томонидан 1556 йили кўчирилган бўлиб, унинг қўлёзма нусхаси Ҳиндистондаги Худобахш кутубхонасида сақланиб келинмоқда. Унда Комрон Мирзонинг ўзбек ва форс тилларидаги 1500 мисра шеъри жой олган. Девоннинг



Комрон Мирзо.  
М. М. Воронский чизган расм





*Комрон девонининг колофони*



*Кашмир. Бобурийлар яратган боғлар*

тарихий аҳамияти яна шундаки, қўлёманинг бошланиши ва охирида ушбу нодир нусханинг Бобурийлар хонадонига мансублигидан далолат берувчи 20 дан ортиқ Ҳиндистон давлат арбобларининг муҳрлари босилган. Улар орасида Жаҳонгиршоҳ (1605—1627), Шохжаҳон (1627—1658), Муҳаммад Аламгир (1658—1707), Баҳодиршоҳ (1707—1712) муҳрлари аниқ кўзга ташланиб туради. Бу нусхада шу хонадон вакилларининг дастхатлари ҳам келтирилади. Масалан, Акбаршоҳнинг ўғли Жаҳонгиршоҳ ўз дастхатида қуйидагиларни ёзган: «Девони Мирзо Комронки, амми падари бузруквори манаст, ба хатти Маҳмуд Исҳоқ Шаҳобий ҳаррараху Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ санаи жулус 20, мувофиқ сана 1035 ҳижрий» (таржимаси: Бувамнинг амакиси бўлмиш Мирзо Комроннинг Маҳмуд Исҳоқ Шаҳобий томонидан кўчирилган ушбу девоники Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ ўз салтанатининг 20 йиллигида, яъни 1035 ҳижрийда кўздан кечириб чиқди). Бу дастхат муҳр билан тасдиқланган, атрофида эса Бобурийлар хонадонининг бошқа вакиллариға тегишли катор дастхатлар саҳифанинг юқорисидан тортиб гир айлана шаклида турли даврларда ёзилиб чиққан. Комрон шеърлари бадий маҳорат жиҳатидан, тилининг равон ва соддалиги, ажойиб лирик образларни моҳирлик билан ифодалаш томонлари билан Бобур лирикасини эслатади. Унинг бутун меросида Бобур лирикасининг руҳи кўзга ташланиб туради. Комрон Бобур лирикасидаги энг яхши анъ-



аналарни давом эттириб, уни ҳам мазмун, ҳам ғоя жиҳатидан бойитган санъаткор сифатида майдонга чиқади.

Бобур ёдгорликларни таъмирлаш, боғ-роғлар яратиш, маиший ва маъмурий қурилиш ишларига алоҳида аҳамият берган. Бобур Кобул атрофида Боғи нур, Чорбоғ, Боғи биҳишт, Боғи бинафша, Боғи гулгина, Боғи хилват, Боғи суратхона, Боғи Хайдар Тақий каби боғларни яратиб, обод қилганлиғи тарихий манбаълардан маълум. Абдул Ҳамид Лоҳурийнинг хабар беришича, Бобур Кобулда Шохриоро, Хилвахона, Ўртабоғ, Боғи сурат, Боғи моҳтоб, Боғи охухона каби сўлим жойларни бунёд этган. Чорбоғ ичида Девонхона, Хонаи сафид ва Суратхона каби иншоотларни қурдирган. У қурдирган бинолар ичида «Қалъаи арк» (Ҳозирги номи «Болои Ҳисор») ва ундаги Кўҳна Девонхона айниқса машҳурдир. Кобулдаги «Арки болои Ҳисор» билан «Доройи қалъа»ни таъмирлаш ишларини аввал Комрон Мирзо, кейинчалик эса Жаҳонгир Мирзо амалга оширган.

Боғи Бобур шаҳарнинг Шердарвоза тепалиги ён бағридаги бир неча гектар майдонга жойлашган; ниҳоятда хушманзара, обод, шаҳар аҳлининг оромгоҳ ва зиёратгоҳ жойи. Ҳар йили 21 март (Наврӯз куни) да кўчат ўтказиш маросими шу боғдан бошланади. Боғда Бобур мақбараси, унинг ёнида Бобурнинг кичик ўғли Ҳиндол, неваралари: Руқия Султон бегим, Ҳаким Мирзо ва бошқа авлодларининг қабрлари жойлашган. Боғ ичида оқ мраммрдан ишланган кичик масжид, мактабхона, жисмоний машқ майдончалари, ҳовуз, обод чойхона ва супалар бор. Мевали дарахтлар, гуллар ҳамда Бобур давридан қолган азим чинорлар боғнинг кўрки. Бобур боғининг атрофи кунгурадор девор билан қуршалган. Бобур бу боғдан ташқари Афғонистон ва Ҳиндистонда Ўрта Осиё анъаналари асосида ўнлаб боғлар бунёд этган (Боғи Камон, Боғи вафо, Зарафшон боғ, Дилором боғ, Ором боғ ва бошқалар). Бу боғлардаги ариқлар текис ва тўғри олиниб, дарахтлар тартиб билан ўтказилган. Гуллар экилиб, атрофига майда рангдор тошлар терилган. Ҳиндистон ва Афғонистонда бўлмаган ўсимликлар ва дарахтлар Ўрта Осиёдан олиб борилган.

(Ўзбек қомуси, 2- т., 413- бет)

**Боғи сафо** — Бобур давридаги Нангарҳор вилоятига қарашли жойга солинган бўлиб Шохжаҳон даврида ҳам машҳур бўлган. Абул Фазлнинг хабарига кўра бу боғ Жалолобод яқинида бўлиб, Лоҳурийнинг айтишича эса, у Бигромдан 32 курух нарида бунёд этилган. Бу боғ ҳозир ҳам Жалолободдан 20 км ғарбда жойлашган бўлиб, қишлоқ номи ҳам Боғи сафо деб аталади. Айтишларича, «Чорбоғи сафо» ҳам ана шу атрофга солинган экан.

Боғи вафо 1508 йилда Одинапур қалъаси олдида, Кобулдан 30 км жанубликдаги тепаликка Бобур томонидан солинган. Бу боғда ажойиб Хиёбон ва Ҳовузлар ҳам барпо этилган. Унда турли мевали дарахтлар қад кўтариб, ажойиб манзарани ҳосил қилган. Бу боғ Бобурнинг энг яхши кўрган жойларидан бири бўлган. Хусусан, у бу боғда охириги марта 1526 йилнинг 17 сафар ойида Ҳиндистонни фатҳ қилишдан олдин истиқомат қилиб дам олган. «Боғи вафо»да Акбаршоҳнинг ҳам 1589 йилда Кобулга келган вақтида маълум муддат ҳордиқ чиқарганлигини тарихчилар таъкидлаб ўтишади. Бу боғдаги дарахтларнинг аксарияти чинор, апельсин ва анорзорлардан иборат бўлиб, ям-яшил бўстондан

иборат бўлган ва унинг ёнгинасидан «Қора сув» ўтган. Бобурнинг ўзи бу боғни сафо, хушхаво ва хушманзара жойда барпо этилганлигини қайта-қайта таъкидлайди. Ҳозирги вақтда бу боғ Жалолободдан ўн курух нарида қишлоқ атрофида жойлашган.

**Қандаҳордаги чехл зина.** Бу боғ ҳам Қандаҳор шаҳрининг ғарб тарафидаги тоғда барпо этилган бўлиб, унинг ичида Бобур тошдан ўйиб ғўзал гумбазли айвон солдирган. Айвонга чиқиш учун тошдан ётқизилган қирқ зинани босиб ўтилган. Бу айвонни яратишда 60 дан ортиқ сангтарошлар ишлашгани бизга манбалардан маълум. Иморат тугагач, унинг тоқисига 28 иморат соҳиблари Бобур, Комрон, Аскарӣ ва Ҳиндол шарафларига мақтов ёзувлари настаълиқ хатида ўйиб битилган. Айвоннинг қурилиш тарихи 926 йилнинг 12 шаввол ойи деб кўрсатилган. Бино Бобурнинг Қандаҳорни фатҳ қилиши муносабати билан қурилган.

**Қандаҳордаги Чорбоғ.** Бу боғ Қандаҳорнинг шимоли ғарбида Чап дарё атрофида барпо этилган бўлиб, ҳали ҳам «Чорбоғ» номи билан юритилади. Бу боғда Ҳумоюн Мирзо Эрондан қайтаётиб маълум муддат тўхтаб ўтган.

Бобурнинг Ҳиндистонда яратган боғ ва иморатлари:

1. Чорбоғ — Аграда барпо этилган. Унда оқ мармар тошдан ишланган ҳовуз, қизил ранг тошдан ишланган Боғи хилватхона (ёки Мажлиси шўрои) ва ҳаммом бинолари қад кўтарган.

2. Айвони калон — Агра қалъасининг кираверишига солинган уч табақадан ташкил топган иморат. Уч айвон тош масжид ва бир неча гумбаз ва таҳоратхоналарни ўз ичига олади.

3. Сипра кўли ёнидаги бино.

4. Чорбоғ — Даҳулпурнинг ғарбидан бир курух йўлда барпо этилган. Боғда қизил тошдан ишланган бир иморат, масжид ва саккиз қиррали ҳовуз жойлашган. Боғ Шоҳмуҳаммад сангтарош уста раҳбарлигида бунёд этилган.


5. Боғи нилуфар биноси ва ҳаммоми. Даҳулпурда барпо этилган. Кейинчалик унинг атрофи бобурийлар томонидан янада обод этилган.

6. Аграда Зухра боғ, Ром боғ, Ҳашт биҳишт боғлари барпо этилган.

7. Жомиъ масжид (Санбҳал, 1526 йил).

8. Масжиди ёдгор (Боғи Кобулийд), Панипат биноси. 1526 йил.

9. Қадимги лудийлар қалъаси ичидаги масжид (Аграда) Фатҳпур Сикри шаҳри Аградан 43 км узоқликда жойлашган, у Акбаршоҳнинг асосий қароргоҳи бўлган. Сарой тепаликка қурилган бўлиб, у гир айланган тош девор билан ўралган.




Шаҳарга икки мухташам зиналар орқали кирилади. Улардан бири Баланд дарвоза, иккинчиси Подшоҳе дарвозага олиб чиқади. Дарвозалар нақшлар билан безалган. Саройнинг марказида ҳашаматли масжид қурилган. Унинг ёнида катта ҳовуз. Саройдаги Шайх Салим авлиёнинг оқ мраммдан ишланган макбараси эса алоҳида салобатга эга бўлиб, қизғиш рангдаги бошқа бинолардан ажралиб туради. Қаср ичидаги биноларнинг бирида Шохжаҳоннинг оналари ва Акбаршоҳнинг ражпутлик хотини Мария ва учинчисида Константинополь султонининг қизи Румий Султоний истиқомат қилганлар. Шаҳар атрофида эса илғари турли иншоотлар, идора бинолари, ҳарбий ва маиший уйчалар ҳам бўлган. Ҳозирги вақтда уларнинг харобаларигина сақланиб қолган. Маълумотларга кўра бу шаҳардаги ҳаёт сув танқислигидан тўхтаб қолган. Акбаршоҳнинг макбараси Аградан 10 км узоқликда жойлашган Сикандра номли жойдадир.



Фатҳпур Сикри. Масжид

Гулбаданбегим (1522, Кобул — 1603) ўрта аср Шарқида биринчи тарихчи аёл. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг кизи. Абулфазл Аллоний илтимоси билан отаси Бобур ва акаси Ҳумоюн (1510—1559) ҳақидаги эсдалик — «Ҳумоюннома»ни форс тилида (1585—87) ёзди. «Ҳумоюннома» «Бобурнома»нинг давоми бўлиб, унда тарихий, этнографик ва маданий маълумотлар кўп. Асарда Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Афғонистон тарихи, ўша даврнинг феодал муносабатлари яхши



*Фатҳпур Сикри. Шайх Салим авлиё мақбараси*

ёритилган. «Ҳумоюннома» Бобур ва Ҳумоюннинг таржимаи ҳолини ва улар яшаган тарихий даврни, шунингдек, Гулбаданбегимнинг ҳаётини ўрганиш учун асосий манбадир. «Ҳумоюннома» 1902 йилда А. Беверж томонидан инглизчага таржима қилиниб, изоҳлари билан Англияда нашр этилган. 1959 йилда ўзбек тилига таржима қилиниб, Тошкентда босилган.

*(Ўзбек қомуси. 3- т, 466- бет)*

«Акбарнома» — «Акбаршоҳ тарихи» ёки «Акбар тарихи» номи билан дунёга машҳур асар. Бу асарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳумоюн даври ҳақида қисқа маълумот берилиб, Акбарнинг ёшлик йиллари ва 1601 йилгача бўлган идора усуллари баён қилинган. Асар Абулфазл Алломий (Шоҳ Абулфазл ибн Шайх Муборак) томонидан ёзилган. Асар асосан, махсус кундалик дафтар ва расмий ҳужжатлар, хусусан, молия девонининг архиви асосида ёзилган бўлиб, унда Акбар замонида Ҳиндистоннинг ички ва ташқи аҳволи батафсил талқин қилинади. «Акбарнома»нинг давоми бўлган «Ойинайи Акбарий»да («Акбаршоҳ қонунлари») Бобурийлар саройидаги тартиб, давлат аппарати ва армиянинг тузилиши, солиқ тартиби, шунингдек, Бобурийлар хизматида бўлган амирлар, шоир ва созандалар ҳақида қимматли маълумотлар бор. Бу икки асарнинг қўлёзма нусхалари Ватанимизда ва чет эл қўлёзма хазиналарида сақланмоқда. Ҳар иккала асар француз ва инглиз тилларига таржима қилинган ва қайта-қайта нашр этилган.

*(Ўзбек қомуси, 1- т., 205- бет)*

Жалолиддин (1542—1605) — Бобурнинг набираси, Ҳумоюн Мирзонинг ўгли, буюк давлат арбоби, қобилиятли саркарда. Марказлашган феодал давлат тузиш мақсадида 1574 йилдан бошлаб ички ислохотлар ўтказишга киришади: қўшин устидан назоратни кучайтиради ва уни қайта ташкил қилиб, янгидан қуроллантиради, мамлакатни янги маъмурий ноҳияларга бўлади, деҳқонларга солиқ солишнинг ягона тартибини белгилайди; узунлик ва оғирлик ўлчовларини жорий қилади. Акбаршоҳ Ҳиндистонда ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида ҳинд зодагонларини ўз томонига ағдаришга интилади. Унинг ҳамма ерларни давлат ерига айлантиришга уриниши йирик феодалларнинг норозилик қўзғолонига сабаб бўлади. Бу қўзғолон катта қийинчиликлар билан бостирилади. Акбаршоҳ ўз ҳукмронлигининг сўнгги йигирма йили мобайнида Кашмирни бўйсундирган; Ҳиндистон жанубида ва афғонларнинг Юсуфзай қабилалари билан урушлар олиб борган. Акбаршоҳ Ҳиндистонда ҳинду, зардуштлиқ, ислом, қисман христиан ақидаларини ўзида муҷассамлаштирган янги, умумий дин («дини илоҳий») ўрнатмоқчи бўлган. Бу янги дин дунёвий ва диний ҳокимиятнинг мақсад ва манфаатларини, камраб олиши лозим эди. Аммо Акбаршоҳ ўлгач, у яратмоқчи бўлган дин бир мазҳабга айланиб қолган.

(Ўзбек қомуси, I- т., 205- бет)



Ҳамид Сулаймон Ҳиндистонда Бобур ва бобурийлар ҳақида маъруза қилмоқда


Ҳиндистоннинг Агра шаҳри яқинида Жамна дарёси бўйидаги архитектура ёдгорлиги, бобурийлардан Султон Шоҳжаҳон ва унинг хотини Мумтоз Маҳал (лақаби, «саройда беқиёс» маъносида, асл исми Аржуманд Бону (бегим) мақбараси. Тож Маҳал Шоҳжаҳоннинг севимли рафиқаси васиятига мувофиқ (у 1630 йилда вафот этган) бунёд этилган. Шоҳжаҳон давлат тепасига ўтирганига 2—3 йил ўтгач, ҳарбий юришларнинг бирида, ҳомиладор бўлган Аржуманд Бону кўз ёриш вақтида оламдан кўз юмади. Бу

воқеа Шохжаҳонга қаттиқ таъсир қилади ва у бевақт вафот этган севимли хотини хотирасига мислсиз макбара қуришга ва бошқа уйланмасликка аҳд қилади. Бино қурилишида Ўрта Осиё, Эрон, Жанубий Европа меъморчилигининг ютуқларидан фойдаланилган. Бино турк меъмори Устод Муҳаммад Шохон афанди бошчилигида 1632—50-йилларда қурилган бўлиб, оқ мармардан, беш гумбазли, деворлари қимматбаҳо рангли тошлардан (ақик, марварид, садаф, кахрабо, зумрад, ёқут, фил суяги каби) мозаика билан безатиб ишланган. Сағана қўйилган хона катта гумбаз билан қопланган бош бино бўлиб, 104×104×7 м супа устига жойлашган. Супанинг тўрт томонида бўйи 45 м ли тўртта минора бор. Зинапоядан чиқилиб, ўйма нақшлар билан безатилган мармар эшик орқали макбарага кирилади. Сағана Шри Ланканинг қора мармаридан, мозаика билан нафис безатилган, деворларда бу улуғвор бино бунёдкорларининг исмлари ҳам ёзилган (улар орасида самарқандлик Усто Муҳаммад Шариф, бухоролик Усто ота Муҳаммадларнинг номлари бор). Макбара битгач, Аржуманд Бонунинг хоки маросим билан «Тож маҳал»га кўчирилиб, макбаранинг остки қаватига кўмилган. Устки қаватида эса, қабрнинг оқ мармар ва товланувчи тошлар билан ишланган нусхаси жойлаштирилади. Макбаранинг остки қаватига фақат Шохжаҳонгина кириш ҳуқуқига эга эди. Шохжаҳон Тож маҳалнинг рўпарасига, яъни Жамна дарёсининг нариги қирғоғида ўзи учун қора мармардан макбара ясатмоқчи бўлган. Лекин бу мақсадларининг амалга ошишига унинг ўғли Аврангзеб тўсқинлик қилади. У отасидан тахтни тортиб олиб, барбод этди. Аврангзеб 16 йил маҳбусликда яшаган ва умрининг охирида кўр бўлиб вафот этган. Шохжаҳонга севимли хотинининг макбараси Тож маҳални кўриб туриши учун кичкинагина дарча очиб берилган экан. Шохжаҳон вафот этгач, унинг жасади Аржуманд Бону ёнига кўмилган. Шунинг учун ҳам Тож маҳал, мана уч юз йилдирки, уни зиёрат қилувчилар дилида инсоннинг



*Шохжаҳон сурати*

*Тож маҳал комплекси*



севгиси ва садоқатига ўрнатилган ҳайкалдай хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбек адабиётшунослари Бобур ва Бобурийлар даври тарихи, санъати ва адабиёти ҳақида қатор тадқиқотлар олиб бордилар. Ҳиндистондаги туркий халқлар адабиёти ва хусусан, Бобур анъаналари билан боглиқ тарихий-адабий ёдгорликларни излаб, уларни илмий асосда ўрганишга жиддий киришилди. Булар орасида Бобурнинг ўгли Комрон Мирзо ва унинг чевараларидан Мирзо Алибахт Азфарийларнинг асарлари алоҳида ўрин тутади.

Азфарий ўзбек адабиёти тарихи ва унинг йирик вакиллари ҳаёти ва ижоди билан яқиндан таниш бўлган. У ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан Навоий, Бобур ва уларнинг асарларидан руҳланиб китоблар яратган. Азфарий турли соҳаларга оид 15 дан ортиқ асарлар ёзди. Бу асарлар ўзбек адабиётининг вакиллариини Ҳиндистонда тарғиб қилишда алоҳида ўрин тутади.

Азфарий туркий, форс ва урду тилларида ёзган шеърларидан иборат уч девон тузган, «Воқиюти Азфарий», «Савониҳоти Азфарий» номли тарихий-биографик асарлар яратган, «Фавод ал-мубтада», «Фарҳанги Азфарий», «Мезони туркий», «Насаби туркийи чиғатойӣ», «Насаби туркий», «Рисолаи қабрия» каби тилшуносликка оид китоблар ёзган, Навоийнинг «Маҳбуб-ул-қулуб», Бобурнинг «Аруз рисоласи» асарларини форс тилига таржима қилган.

Азфарий Бобурнинг «Аруз рисоласи»ни ҳам вазн, ҳам наср йўли билан форс тилига ағдарган. «Аруззода» деб номланган бу таржималарнинг иккита нусхаси Ҳиндистон қўлёзма фондларида сақланиб келмоқда.




*Ҳайдаробод. Саларжанг музейи. Бобур қўлёзмалари сақланади*



*Ҳамид Сулаймон ҳинд олими Ҳайдархон билан қўлёзмалар ҳақида суҳбатлашмоқда*



*Деҳли. Миллий музей. Бобурийларга оид қўлёзма мерос сақланади*



*Қалъкутта. Виктория музейи.  
Бобур ва бобурийларга онд  
маънавий ва ашёвий ҳужжат-  
лар сақланади*



*Ҳамид Сулаймон Париж мил-  
лий кутубхонасида*



**Заҳириддин Муҳаммад Бобур: (Ҳаёти ва ижоди):**  
**Мактаб кўргазмаси ва болалар кутубхонаси учун**  
**материаллар: (Альбом) /Махсус муҳаррир М. Тур-**  
**сунпўлатов; Тўпловчи Ҳасанов С. / — Т.: Ўқитув-**  
**чи, 1995.— 56 б.**

Жизнь и творчество Бабура.

ББК 83.2Уз — 1я6

**ҲАСАНОВ САИДБЕК**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР**

*(Ҳаёти ва ижоди)*

*Мактаб ва болалар кутубхонаси кўргазмалари учун*

*Тошкент «Ўқитувчи» 1995*

Муҳаррир *Ҳ. Юсупова*  
Бадний муҳаррир *Ж. Одилов*  
Техн. муҳаррир *Э. Вильданова*  
Мусаххиха *Л. Мирзаҳмедова*

ИБ № 5830

Териниш берилди 05.06.92. Босишга рухсат этилди 10.04.93. Формати 60×90<sup>1</sup>/8. Офсет қоғози. Кегль 16,12. Шпонинг.  
Литературанинг гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. л. 7,0. Шартли кр.-отт. 7,5. Нашр л. 5,02. Тиражи  
10000. Зак. № 25.94.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 13—382—90.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг Тошполиграфкомбинати. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1995.